УзССР Давлат китоб палатаси

Бутун дунё пролетарлари, бирлашингиз!

СОВЕТ ЎЗБЕКИСТОНИ

Ўзбекистон Коммунистик партияси Марказий Қўмитасининг бош нашри

РУЗНОМА 1918 ЙИЛ 21 ИЮНДАН ЧИҚА БОШЛАГАН. ◆ № 18 (20.885) 1991 йил 25 январь, жума ◆ Рўзнома йилига 256 марта чиқади. ◆ Баҳоси 8 тийин.

ШУ КУННИНГ НАФАСИ

Воқеалар, янгиликлар, шарҳлар

- *«Совет Ўзбекистони» бонг уради*

ИШЧИ ҚЎЛЛАР ҚАДРИГА ЕТЯПМИЗМИ?

ЎЗБЕКИСТОН ССР ЕНГИЛ ВА МАҲАЛЛИЙ САНОАТ ВАЗИРЛИКЛАРИ, СИРДАРЁ ВИЛОЯТИ ПАРТИЯ КОМИТЕТИ ЭЪТИБОРИГА!

Жамият тараққиётининг ҳозирги босқичида ишсизлик муаммоси жиддий бўлиб турибди. Буни хаспўшлашга ҳожат йўқ. План дедик, давлат буюртмаси дедик, ишлаб чиқаришни устун даражада механизациялаштиришга интилдик. Бироқ ишсизлик муаммоси билан шу вақтгача астойдил шуғулланмадик. Дарҳақиқат, жамиятни ҳаракатлантириб турувчи омилкор куч — инсон эҳтиёжлари, турмуш тарзи масалалари билан оз шуғулландик. Кўп ҳолларда бу иш хўжакўрсинга, юзаки, пала-партиш олиб борилди.

Ҳозирги кунда республика раҳбарияти бу соҳада ҳам қатор ибратли иш, тадбирлар белгиламоқда. Ўзбекистон Компартиясининг ташаббуси билан «Иш билан таъминлаш» жумҳурият давлат дастури ишлаб чиқилди.

«Совет Ўзбекистони» рўзномаси мухбирлари мазкур дастурнинг Сирдарё вилоятида ҳамда айрим вазирликларда қандай бажарилаётгани билан қизиқдилар.

Афсуски, дастлабки умумий хулоса шундайки, бу дастур етарли даражада ҳаётга татбиқ қилинмаётир. Бу соҳада амалга оширилган ишлар бор бўлсада, улар ҳали ялпи сафарбарлик кўринишини олганича йўқ.

Сирдарё вилояти районлари, музофотлари, хўжаликлари, шаҳар-қишлоқларида бўлганимизда 18.000 рақами ҳамиша хаёлимизда турди. Бу Сирдарё вилоятидаги меҳнатга лаёқатли, аммо иш билан таъминланмаган кишилар сонини англатарди.

Улар кимлар! Оилали ва оиласизлар, малакали ва малакасиз ишчилар, деҳқонлар, кўп болалилар ва бўйдоқлар, хотин-қизлар, эркаклар... Баъзилари мавсумий ишда машғул бўлиб, қишда бекор, ўзларига яраша иш тополмай юрганлар.

ОДАМЛАР МАНФААТИ ЙЎЛИДА

Ҳар бир инсон бахтли бўлгиси, замонга яраша дориломон яшагиси келади. Сирдарё районида бўлганимизда бунга яна бир бор ишонч ҳосил қилдик. Энг муҳими, район мутасадди ташкилотлари одамлар ҳақида қайғуришяпти. Биргина мисол. 1989 йилда бу ерда 670 нафар одам ишсиз эди. Ҳозир қатор корхоналар ишга туширилди. «Ишсиз» деб аталадиган тоифани кўп болали аёллар, пенсияга чиққан, аммо меҳнатга лаёқатли кишилар, иккинчи гуруҳ ногиронлари ташкил этади.

Сирдарё районида, Бахт ва Сирдарё шаҳарларида 100 минг аҳоли истиқомат қилади. Уларнинг меҳнатга лаёқатли бўлган қисмини иш билан тўла таъминлаш мақсадида касаначилик ҳаракати кенг авж олдирилмоқда. Бу ерда вилоят аҳолисининг олтидан бир қисми яшайди. 16 та механизациялашган кўчма колонна ва 12 та автобаза, 13 та катта-кичик завод ишлаб турибди. Районда қурилишлар миқёси катта. Янги ғишт заводи, темир-бетон буюмлари заводлари, автостанция, пойабзал фабрикаси ишга туширилди. Аввалги беш йилга қараганда мактаблар сони 3,5 баравар кўпайди. Болалар боғчалари эса уч ҳисса ортди. Ҳозир салкам тўрт миллион сўмлик туғуруқхона бунёд этиляпти. Катта истироҳат боғи лойиҳаланиб, дастлабки ишлар бошлаб юборилган. Агар ўтган беш йилликда ҳар йили 9 миллион сўмликдан зиёд турли хил қурилишлар олиб борилган бўлса, эндиликда ҳар йили 67 миллион сўмлик ҳажмда қурилиш олиб борилмоқда.

— Депутат сифатида район аҳолисидан 18 та наказ олган эдим, — деб ҳикоя қилади Сирдарё район партия қўмитасининг биринчи котиби, район Кенгашининг раиси, Ўзбекистон ССР халқ депутати М. Ибодуллаев. — Шундан 13 таси бажарилди. Пойабзал фабрикаси, янги автостанция барпо этилди. Менингча, қанча кўп нарса қурсак, аҳоли иш билан шунча яхши таъминланади, инсон омилига шунчалик эътибор кучаяди. Асосий эътиборни дала меҳнаткашларини мавсумий палладагина эмас, балки бутун йил бўйи, айниқса, қиш ойларида ҳам иш билан тўла таъминлашга қаратяпмиз...

Бу сўзларнинг нечоғлик рўёбга чиқаётганлигини «Ленинград», Ленин номли жамоа хўжаликларида, «Малик» ва Собир Раҳимов номли давлат хўжаликларида кўрдик. Бу ерларда консерва, вино цехлари, сабзавот сақлаш иншоотлари қишлоқ аҳолиси барча табақаларининг зарур эҳтиёжларини кўзлаб барпо этилаётганлиги қувончлидир.

(Давоми учинчи бетда).

ЎЗБЕКИСТОН КОМПАРТИЯСИ МАРКАЗИЙ НАЗОРАТ КОМИССИЯСИНИНГ РАЁСАТИДА

● Марказий назорат комиссияси раёсатининг навбатдаги мажлиси бўлди. Ўзбекистон Компартиясининг Уставига ва Марказий назорат комиссияси тўғрисидаги Низомга биноан Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитетининг аграр сиёсат бўлимида хизмат ҳужжатлари, партия ташкилотларининг, коммунистлар ва меҳнаткашларнинг хатлари ва шикоят-аризалари билан ишлаш тўғрисидаги масала кўриб чиқилди.

Таъкидлаб ўтилдики, бўлим коммунистлари КПСС XXVIII съезди, Ўзбекистон Компартияси XXII съезди йўл-йўриқларини бажариб, ўз ишларини партия ички турмушини янада демократиялаш руҳида қайта қурмоқдалар, хўжалик идораларининг икир-чикир ишларига аралашишдан халос бўлмоқдалар, жойлардаги партия комитетлари билан ишлашга кўпроқ эътибор бера бошладилар, аграр сиёсатни ишлаб чиқиш ва амалга оширишда Марказий Комитет комиссиясига катта ёрдам бермоқдалар. Ўтган йили бўлим партия ташкилотларининг ва манфаатдор республика идораларининг мурожаатларига биноан республика деҳқончилик-саноат комплексини ривожлантириш, экология, қишлоқни ижтимоий жиҳатдан қайта қуришнинг кўпгина долзарб масалаларини тайёрлади ҳамда бу масалалар Марказий Комитет Бюросида ва комиссиясида кўриб чиқилди. Меҳнаткашларнинг хат ва аризалари билан ишлашни такомиллаштириш, келувчиларни қабул этишни уюштириш соҳасида баъзи ижобий ўзгаришлар бор.

Шу билан бирга комиссия назорат гуруҳининг аниқлашича, бўлимда ҳали хизмат ҳужжатлари, хатлар, шикоят ва аризалар билан ишлашни ташкил этиш соҳасида Ўзбекистон Компартияси XXII съездининг йўл-йўриқларига ва КПСС Марказий Комитети йўриғининг талабларига тўла-тўкис риоя этилмаяпти. Уларнинг баъзилари муддатларга хилоф равишда ва кўпинча етарли асос бўлмаган тақдирда ҳам назоратдан чиқариб юборилмоқда, ҳужжатларнинг ижроси юзасидан оралиқ текширишларини ўтказиш одат тусига киритилмаган.

Партия комитетларининг фаолиятига ва раҳбар коммунистларнинг хулқ-атворига тааллуқли аризалар жойларнинг ўзига бориб камдан-кам текширилмоқда. Бунинг устига, хатларни кўриб чиқиш кимнинг шанига таъна билдирилган бўлса, ўша ташкилот ёки шахсларнинг ўзига топширилаётганини ва уларнинг ахборотига кўра назоратдан чиқариб юборилаётганини кўрсатувчи далиллар бор. Такрорий ариза ва шикоятларга дуруст эътибор берил

(Давоми иккинчи бетда).

ТАШКИЛОТ КОМИТЕТИНИНГ МАЖЛИСИ

23 январь куни Тошкентда Ўзбекистон ССРдан чақирилган аскарлар хизмат қилаётган ҳарбий қисмлар командирлари слётини ўтказиш ташкилот комитетининг биринчи мажлиси бўлиб ўтди. Мажлисни республика Олий Кенгаши мудофаа, давлат хавфсизлиги ва ҳарбий хизматчиларни ижтимоий ҳимоя қилиш масалалари комитетининг раиси В. Р. Ниёзматов олиб борди.

Ўзбекистон ССР Президенти ҳузуридаги Вазирлар Маҳкамаси Раисининг ўринбосари Э. С. Самандаровнинг, ташкилот комитети бошқа аъзоларининг нутқларида Ўзбекистонда бундай муҳим тадбир ўтказилиши катта сиёсий аҳамиятга эга эканлиги таъкидланди. Анжуман Совет Армияси ва СССР Ҳарбий-Денгиз Флотининг 73 йиллиги арафасида ўтказилади. Унга жанговар ва сиёсий тайёргарлик аълочилари, уларнинг ота-оналари таклиф этилади.

(ЎзТАГ мухбири).



Яқинда Сирдарё вилояти марказида нон ишлаб чиқарадиган янги цех қуриб фойдаланишга топширилди. Германиядаги «Винклер» фирмасида тайёрланган асбоб-ускуналарда кунига тўрт тонна ундан ўн саккиз турдаги сифатли нон ва нон маҳсулотлари етказиб берила бошланди. Бу корхона республикамиздаги «Винклер» фирмаси билан ҳамкорликда қурилган замонавий типдаги тўққизинчи новвойхонадир. Цехнинг қулайлиги шундаки, у ўзининг «Исиқ нон» деб аталувчи чиройли ва ихчам дўконига ҳам эга. «Корхона — дўкон» типидаги янгиликнинг ўзи ойига 20-30 минг сўмни тежаб қолиш имконини туғдирди. Шунингдек, бу ерда харидорларнинг хоҳиш-истаги ҳам бир зумда инобатга олинаётгани нон таъмини яхшилаяпти. Хуллас гулистонликларга яна бир қулайлик яратилди.

Суратда янги цех акс эттирилган.

С. ВЕЛИЧКИН олган сурат.
(ЎзТАГ).

ЎЗБЕКИСТОН ЖУРНАЛИСТЛАРИНИНГ VIII СЪЕЗДИГА

Ҳурматли ўртоқлар!

Ўзбекистон журналистларининг VIII съезди делегатларини, сизлар орқали матбуот, радио ва телевидениенинг барча ижодий ходимларини улкан анжуманингиз иши бошланиши билан табриклайман.

Жамиятимизни янгилашда, ошкоралик ва демократияни мустаҳкамлашда журналистларга эътибор кучаймоқда. Айни вақтда эл-юрт сизга катта умид билан қарамоқда. Олий мақсадларни амалга оширишда тинчлик-тотувликни барқарорлаштиришда, адолатни ҳимоя қилишда ва унга эришишда сизнинг зиммангизда ғоят масъулиятли вазифалар турибди.

Шунингдек биз журналистларга ғамхўрликни кучайтириш зарур, деб биламиз.

Республикамиз жамоатчилиги сизларни, азиз дўстлар, ҳаётимизда рўй бераётган воқеалар жараёнига теранроқ назар ташлашга, қайта қуриш мухолифларига нисбатан муросасиз бўлишга, янгилик куртаклари ва ижодий ҳодисаларга сезгирроқ бўлишга, совет матбуотининг илғор анъаналарини изчил давом эттиришга чорлайди.

Серташвиш ва фидойи меҳнатингизда сизга катта муваффақиятлар тилайман.

Ўзбекистон Совет Социалистик Республикаси Президенти

И. КАРИМОВ.

Ўзбекистон ССР Олий Кенгаши комитетида

23 январь куни Тошкентда Ўзбекистон ССР Олий Кенгаши деҳқончилик масалалари ва сув хўжалиги комитетининг мажлиси бўлиб ўтди.

«Ер тўғрисида»ги Ўзбекистон ССР Қонунига мувофиқ ерга эгалик қилиш ва ундан фойдаланиш ҳуқуқи хусусидаги норматив давлат ҳужжатларининг шакллари тўғрисидаги масала кўриб чиқилди.

Ўзбекистон ССР Қишлоқ хўжалиги вазирлигига, унинг идораларига жумҳуриятнинг манфаатдор вазирликлари ва идоралари билан биргаликда норматив давлат ҳужжатларининг ана шу шаклларини узил-кесил ишлаб чиқиш ва Ўзбекистон ССР Президенти ҳузуридаги Вазирлар Маҳкамаси муҳокамасига таклифлар киритиш тавсия этилди.

(ЎзТАГ).

ПУЛ АЛМАШТИРИШ МЕҲНАТКАШЛАР МАНФААТИГА ХИЗМАТ ҚИЛСИН

Кеча республика матбуотида СССР Президентининг «СССР Давлат банкининг 1961 йил нусхасидаги 50 ва 100 сўмлик пул белгиларини тўлов учун қабул этишни тўхтатиш ҳамда фуқароларнинг омонатларидан нақд пул беришни чеклаш тўғрисида»ги Фармони босилди. Табиийки, бу ҳужжат тўсатдан эълон қилинди. У мамлакат ижроия ҳокимиятининг ҳозирги аҳволи ҳамда жамоатчилик ўртасидаги фикрлар хилма-хиллиги шароитида ижтимоий муҳитни янада кескинлаштириб юбориши мумкин эди. Буни яхши ҳис этган республикамиз раҳбарияти зудлик билан оқилона чора-тадбир кўрди. Ўзбекистон ССР Президенти кўп сонли мурожаатларини инобатга олиб, минтақа ва республикадаги пул муомаласининг ўзига хос жиҳатларини назарда тутиб, СССР Вазирлар Маҳкамасининг шу йил 22 январда қабул қилган қарори амал қилиш муддатини узайтириш тўғрисида Фармон чиқарди. Ўйлаймизки, мазкур Фармон пул алмаштириш муддати қисқалиги сабабли келиб чиқадиган қийинчиликларнинг олдини олишда катта аҳамиятга моликдир. Энг муҳими, у меҳнаткашлар манфаатларини ҳисобга олган.

Хўш, Фармон республикамиз ҳудудида қандай амалга оширилмоқда? Қуйида шулар ҳақида ҳикоя қиламиз.

БАРАКА — ҲАЛОЛЛИКДА

- *Репортаж*

Азим Тошкент чинни заводи дарвозаси олдида турибмиз. Бугунги меҳнатга ошиқиб келаётган ишчи ва хизматчиларнинг кўпчилиги тилида ва зикрида йирик пулни корхона кассасига топшириш ташвиши эди. Ҳамма бир-бири билан СССР Президентининг Фармони ҳақида қизғин баҳс юритар эди. Бири мамнун бўлса, бири ташвишда. Оддий иш куни ўзига хос ана шу янгилик билан бошланди. Тезда корхона маъмурияти ана шу Фармонда белгиланган вазифаларни амалга ошириш учун ишга киришди. Маъмурият ва цехлар бўйича тузилган комиссиялар ишчилар ўртасида тушунтириш ишлари олиб бордилар. Бухгалтерия ва план бўлимининг барча ходимлари ҳисоб-китоб юмушларини қизғин бажаришга киришдилар.

Корхона касаба уюшмаси қўмитаси раиси Эҳсон Орипов билан олиб борилаётган тадбирлар ҳақида ҳамма гапларни гаплашиб ўтирибмиз.

— Бугун корхонамизда маош тарқатиладиган кун. Бухгалтерия раҳбарлари ана шу иш билан ҳам банд бўляптилар.

— Тошкент чиннисозларининг бир ойлик умумий иш ҳақи одатда қанча ҳисобланади?

— Корхона бўйича бир ойлик иш ҳақи фонди 725 минг сўм. Ишчиларнинг ўртача ойлик маоши 210 сўм. Бизда 700 сўмгача иш ҳақи оладиган кишилар ҳам бор.

— Корхонангизда асосан ўзбеклар меҳнат қилишади. Ўз-ўзидан маълумки, уларнинг тўйлари, турли маросимлари ва маъракаларига ҳам бориб турасиз. Йирик пулларнинг тўлови бекор қилиниши уларга қандай салбий таъсир кўрсатиши мумкин?

— Барча комиссияларимиз бу муаммони албатта инобатга олишяпти. Маошидан ортиқча пули бор кишилар билан суҳбатлар ўтказиляпти. Имкони борича уларнинг кўнглини олишга ҳаракат қилиняпти. Бу борада Ўзбекистон Президентининг муддатни узайтириш тўғрисида кеча эълон қилинган Фармони соз иш бўлди. Биринчи февралгача 4 минг кишилик жамоанинг кўнглини олишга ҳаракат қилишимиз лозим.

Корхонада ишчи сулолалари кўплаб топилади. Улардан бири гул солиш цехида ишлайдиган Рихсибой Ёқубовдир. 23 йилдан буён бу ерда ишлаб келаётган ана шу норғул йигитнинг чеҳрасида ўзига хос ташвиш бор.

— Рихсибой. Сиз катта хонадон вакили экансиз. Қанча пулни алмаштирмоқчисизлар?

— Бир халта пул қаёқда дейсиз. Ҳаммамиз ишчи бўлсак. Маошга қараб турган одамлармиз. Корхонада қанча пул ишлаб топсак ҳам рўзғордан ортмайди. Бунинг устига қариндош-уруғлар билан борди-келдиларимиз бор.

— Сизнинг хонадонингиздан бу ерда кимлар хизмат қилишади?

— Менинг оиламдан икки фарзандим. Катта хонадондан Аҳмад дадам, Ҳамида ойим. Пенсияга чиқишган бўлишига қарамай ҳозирда ишлашмоқда. Укаларим Аҳмаджон, Раҳматилла, синглим Саида, келинларимиз Марғуба ва Манзуралар ҳам бу ерда биз билан ишлашади.

Раҳматилла катта хонадоннинг умумий меҳнат стажи 100 йилдан ошиб кетганлиги, ҳанузгача енгил машина ва квартира олишолмаганлигини афсусланиб гапирди. У йирик пуллар тўловини бекор қилиш катта ҳаётга ижобий таъсир қила олса соз иш бўлур эди, деган фикрни билдирди.

Тошкент чинни заводида оддий иш кунлари ўзига хос юмуш ва ташвишлар билан боряпти. Ишчиларнинг бир гуруҳида жамғариб қўйилган бир сиқим пулини алмаштириш бўлса, иккинчи бир гуруҳида бугунги меҳнатини ўрнига қўйиб бажариш, ўзининг оила ташвишлари билан елиб-югуриш.

Абдулла ПУЛАТОВ.

Қариялар хотиржам бўлсин

Ижтимоий таъминот бўлимимиз Фармон эълон қилиниши билан қариялар, нафақахўрлар билан гавжум бўлиб кетди. Уларга пулларини қаердан пенсия олаётган бўлсалар ўша ерга топширишларини, алоқа бўлими орқали олувчилар алоқа бўлимига, омонат кассалардан нафақа оладиганлар эса омонат кассаларга мурожаат этишларини маслаҳат бердик.

Районимизда ҳаммаси бўлиб 20 мингдан зиёд пенсионер, 5 мингдан ортиқ нафақа олувчи кўп болали оналар ҳамда ногиронлар яшайди. Уларнинг барчасига Фармон мазмунини тушунтиришнинг ўзи бўлмайди.

Пенсионерлар ҳам бир ойлик пенсиялари миқдорида пул алмаштиришади. Қолган пуллари учун эса ариза ёзадилар. Бу аризалар ҳам нафақа оладиган жойларига, яъни алоқа бўлимидан тўланадиган бўлса алоқа бўлимига, иш жойидан тўланадиган бўлса иш жойига топширилади. Аризада эса жамғарилган пул қандай мақсадларда тўпланганлиги кўрсатилади. Ана шу аризанинг нусхасини кўзга кўринадиган ерларга осиб қўйдик. Бундан ташқари айрим гуруҳ пенсионерларнинг қўлларида гувоҳномалари йўқ. Бундай фуқароларга эса муҳрланган махсус далолатнома ёзиб берилмоқда.

Мен жумҳуриятимиз Президентининг кеча эълон қилган Фармонини мамнуният билан маъқуллайман. Чунки ҳар ҳолда қариялар, ногиронларга бу тадбир бироз ноқулайлик туғдиради-да. Шу жиҳатдан жумҳурият Президентининг Фармони бўйича ушбу тадбир муддати узайтирилганлиги кўпчиликка маъқул бўлмоқда. Агар алмаштириладиган пул миқдори оширилса нур устига аъло нур бўлур эди.

Ўз-ўзидан ётиб қолган бемор одамларнинг пулини алмаштириш қандай амалга оширилади, деган савол туғилади. Бундай тоифадаги нафақахўрларнинг паспортидаги маълумотлар ҳамда ўша кишининг номидан ишонч қоғози ёзилиб, пенсия оладиган жойига мурожаат этишни маслаҳат берамиз.

Биз қўлимиздан келганича бу масалада барча фуқароларга ёрдам беришга тайёрмиз. Бунинг учун ҳурматли қарияларимиз, кўп болали онахонлар хотиржам бўлишлари керак.

С. ФОТИХОВА,
Октябрь район ижтимоий таъминот бўлими мудири.

ДИЛДАГИ ГАП БЎЛДИ

Иттифоқ Вазирлар Маҳкамасининг 50 ва 100 сўмлик пулларни алмаштириш юзасидан чиқарган қарорини оила аъзоларим номидан тўла қўллаб-қувватлайман. Бу тадбир текинхўр, порахўр, чайқовчи ва ўғриларни «мўмай даромад»ларидан маҳрум қилишга имкон беради, боиси, меҳнатсиз топилган катта миқдордаги пулни «бойвачча»лар ҳеч қачон омонат кассасига топширмаслиги турган гап.

Кўпинча бозор айланганда сероблиқдан қувониб кетаман. «Ҳа, демак, насибамиз бутун экан», деб қўяман. Бироқ тахчиллик бўлса «қўл учида кун кўраётганларнинг аҳволи нима кечаркин» деган хаёлга бораман. Лекин нархнавонинг қандай бўлишидан қатъий назар, пулнинг бетига қарамасдан харажат қиладиган кимсалар ғашимни келтиради. Ваҳолонки боғбону деҳқон савдолашиб, тортишганларни маъқул кўради. Барака ҳам шунда-да.

Ушбу қарор кўпчилик дилидаги истакларни қамраб олганлиги билан аҳамиятлидир. Лекин унда кўрсатилган муддат тўғрисида ўйламасдан иложимиз йўқ эди. Бошқалар қатори мен ҳам ташвишландим. Сабаби—яқинда уйимиз бузилиб, кўп қаватли бинога кўчиб ўтгандик. Давлат бизга бузилган уйнинг ярим баҳосини тўлаган, унинг 450 сўми эса 50 ва 100 сўмликдан иборат эди. Ўзбекистон Президенти Фармонидан сўнг кўнглимиз жойига тушди. Пешана тери билан топилган ҳалол пул ҳеч қачон увол бўлмаслигига яна бир бор ишонч ҳосил қилдик. Қайта қуриш ҳақиқатан ҳам оқни-оққа, қорани-қорага ажратиб, ижтимоий адолатни қарор топтираётганидан беҳад хурсанд бўлдик.

А. ХЎЖАЕВ,
меҳнат фахрийси, пенсионер.

МЕҲНАТ ЖАМОАЛАРИДА

ҲАМ СИФАТ, ҲАМ МИҚДОР

● Марғилондаги «Атлас» ишлаб чиқариш бирлашмасининг йигирув-тўқув фабрикасида «СТБ 2—220» маркали юқори унум билан ишлайдиган тўқимачилик дастгоҳлари ўрнатила бошланди. Бу дастгоҳларни Чебоксари машинасозлари тайёрлашган.

Ўтган йили бирлашманинг тўқимачилик цехларидан бирида тажриба тариқасида бир нечта ана шундай дастгоҳ ўрнатилган эди. Бу дастгоҳлар ёрдамида цехда камёб плашчбоп газламаларни тайёрлаш йўлга қўйилди. Бунинг натижасида бирлашма жамоаси илгари жумҳуриятга мамлакатнинг бошқа минтақаларидан олиб келинадиган сифат жиҳатидан янги маҳсулот турини ўзлаштирди.

Энди цехларда яна 18 та дастгоҳ ўрнатилади. Уларнинг афзаллиги равшан: тўқимачилар меҳнати самарадорлиги икки баравар ошади. Табиийки, маҳсулот сифати ҳам яхшиланади.

(ЎзТАГ мухбири).

Сиз кўриб турган суратдаги аёл бугунги кунда ўзи эришаётган меҳнат натижаларидан мамнун. Чунки унинг боқимидаги бузоқлар кундан-кунга дуркун бўлиб ўсмоқда. Қишнинг аёзли кунларига қарамасдан 50 бош бузоқ бир кеча-кундузда 500—550 граммдан семирмоқда.

Бундай ютуққа тинимсиз ҳалол меҳнат, бузоқларни турли сервитамин, сершира озуқалар билан боқиш туфайли эришилаётир.

Меҳнат қилган элга азиз, деганларидек, Кимё Абдувоҳидова 15 йилдан буён Жомбой районидаги Улуғбек номли давлат хўжалигининг сут-товар фермасида обрў, эътибор қозонаётир.

Ғ. АЛИЕВ туширган сурат.

● Партия турмуши: котиб муаммо қўяди

ДАСТУР ҚИММАТИ

СЪЕЗДДАН КЕЙИНГИ ЎЙЛАР

Ўзбекистон жумҳурияти, унинг Коммунистик партиясининг мустақиллиги томон яна бир дадил қадам қўйилди — Ўзбекистон Компартиясининг XXII съезди партиямизнинг ўз Ҳаракат дастури ва Уставини қабул қилди. Буни мен жумҳуриятимиз учун тарихий ҳисобланган съездда қабул қилинган тарихий ҳужжатлар, деб баҳолаган бўлардим. Қарама-қаршиликларга тўла, мураккаб ва шу билан бирга кўп нарсани ҳал қилувчи ҳозирги давримизда «Ўзбекистоннинг сиёсий ва иқтисодий мустақиллиги, маънавий янгиланиш, ижтимоий адолат ва аҳолининг муносиб турмуш шароити учун» Ҳаракат дастури халқимиз фаровонлигини ошириш йўлларини белгилаб берди.

...Тарихга бир назар солсак. Машҳур Ф. Рузвельт дастури тўғрисида эшитгансиз. У асримизнинг энг кучли дастурларидан ҳисобланади. Негаки, айнан шу дастур ёрдамида Америка Қўшма Штатлари инқироздан қутқариб қолинган. Дастурлар, албатта кўпчилик томонидан тайёрланади. Лекин одатда бу ишларнинг тепасида ҳал қилувчи роль ўйнайдиган кишилар бўлади. Ва кўпинча дастурларнинг, ҳужжатларнинг тақдири ана шу шахслар билан боғлиқ бўлади. Яна бир гапни ҳам таъкидлаш жоизки, қайси халқнинг толеи баланд бўлса, унинг пешонасига ҳар томонлама мукаммал, рисоладагидек раҳбар битади. Бундай шахслардан бири она тупроғимизда яшаб ўтган Исмоил Сомонийдир. Айтишларича IX—X асрларда Бухоро аҳли унинг ақл-заковатига тан бериб, ўзларига хон этганлар. Исмоил Сомоний давлат ишларини яхши йўлга қўйганлиги сабабли тез орада Турон давлати дунёга танилади. Халқнинг яшаш шароити бирмунча яхшиланади. 300 дан ортиқ (!) зиё масканлари, мадрасалар қад ростлайди. Натижада оламга машҳур Беруний, ал-Хоразмий, Ибн Сино каби алломалар айнан ўша даврда етишиб чиққан.

Шу кунларимизга қайтайлик. Сир эмаски, ҳозир жумҳуриятимиз иқтисодий жиҳатдан анча қийин вазиятда. Уни шундай шароитдан чиқариш учун Ўзбекистон Компартияси Марказий Қўмитасининг биринчи котиби, жумҳурият Президенти томонидан қабул қилинган оқилона чоралар яхши ва катта режаларни амалга ошириш бошланганлигидан далолат бермоқда. Улкан ва хайрли ишларни амалга оширмоқ учун эса ҳамиша мукаммал дастурламал керак. Ўзбекистон Компартиясининг XXII съезди иккинчи босқичида қабул қилинган дастур шундай бўлишига ишончимиз комил. Зеро, унда барча коммунистларнинг, партиясизлар ва умуман, халқимизнинг асосий таклифлари ўз аксини топди.

Ҳозирги кунларимизни селнинг йўлига дуч келиб қолган тўдага ўхшатиш мумкин. Мамлакатда ҳамма ҳар томон ўзини урмоқда. Лекин сел, офат ҳар кимнинг ҳам кетидан кетиши, уни ўз қаърига тортиши мумкин. Бу офат барча соҳаларни қамраб олган инқироздир. Шундай шароитда жумҳуриятимизда қабул қилинган бир қанча фармонлар ва қарорлар (деҳқонларга ер тақсимлаш, пахтанинг харид нархини кўтаришдан тортиб то ўқувчиларни бепул овқатлантиришгача) инқирознинг анча олдини олишга имкон берди. Шояд инқирознинг офатли сели бизни четлаб ўтса.

Жумҳуриятимиз бундан кейин қай томон боради? Бу саволга жавобни ҳам дастурдан қидиришга тўғри келади. Дастуримизда ўз аксини топган муаммоларнинг ҳаммаси ҳам муҳим. Лекин уларнинг ичидан энг муҳимини аниқлашимиз, муаммолар ечилишининг кетма-кетлигини топишимиз керак. Менинг назаримда, энг муҳим муаммо — халқ таълими билан боғлиқ масалалардир. Ишлаб чиқариш тузилмасини тўғрилашни ҳам, ишлаб чиқариш унумдорлигини оширишни ҳам, экологияни яхшилаш, илм-фан, маданият, адабиёт ва санъат ҳамда спортни ривожлантиришни ҳам, хуллас, бирор бир масалани халқ таълимисиз тасаввур қилиб бўлмайди. Иттифоқ академиясида бизнинг фақат биргина академигимиз бўлганлиги, Иттифоққа, дунёга танилган алломаларимиз камлиги ҳам шу чоққача ҳақиқий халқ таълимига етарлича эътибор бера олмаганлигимиздан эмасмикан?

Донишмандларнинг айтишича, зулматнинг бир неча тури бўлармиш. Биринчиси — тунги зулмат. У тонг ёриши билан йўқ бўлади. Иккинчиси — ойнинг зулмати. Аммо ойнинг ҳам ўн беши қоронғу, ўн беши ёруғ, дейдилар. Кейингиси қалбдаги зулмат. Вақт ўтиши билан у ҳам чароғон бўлади. Энг мураккаби эса — бу онгдаги зулмат. У халқни манқурт қилиб қўяди. Ҳеч қайси халқни бундай зулматга учрагулик қилмасин. Ҳозирги кунда республикамиз олий билимгоҳларида берилаётган таълим, очиғини айтганда, баъзида ўрта маълумотга ҳам тўғри келмайди, чинакам олий маълумот ҳақида эса гап ҳам бўлиши мумкин эмас. Бунда кимдир айбни муаллимларга қўймоқчи бўлади. Аслида эса муаммо бошқариш тузилмасида, унинг номукаммаллигида. Оқибатда бағри кенг, илм ва ҳунарга чанқоқ меҳнаткаш халқимиз кўп ўринда илмга чанқоқлигича қолаётир.

Иттифоқимизда бугунги кунда халқ таълимига миллий даромаддан ажратилаётган маблағ салмоғи ҳаттоки Африка мамлакатларидан ҳам икки баравар камдир. Бизнинг жумҳуриятимиз аҳволи эса умумиттифоқнинг кўрсаткичларига қараганда ҳам анча оғирдир. Чунки жумҳуриятимизда ҳар минг кишига тўғри келадиган ўқувчилар сони Иттифоқимизга қараганда 2,5 марта кўп.

Сўнгги йилларда эътиқодли ёшларнинг аспирантурага кириши ёки олий билимгоҳда қолишлари камаймоқда. Чунки фан номзоди бўлган ёш олим олий билимгоҳда катта ўқитувчи бўлиб қолганида ҳам асосий маоши атиги 250 сўмни ташкил этади. Олий билимгоҳларининг моддий аҳволи эса ривожланишдан оз эмас, кўп эмас — роса 20 йил орқада қолиб кетган. Бундай шароитда билимгоҳ мударрислари ҳам қўшимча даромад қидириш йўлига ўтиб кетишлари ҳеч гап эмас. Биз ўтмишни ёмонлайверишга ўрганиб қолдик, лекин унинг яхши томонларидан кўз юмиш мумкин эмас. 50-йилларда олимлару мураббийларга ҳурмат-иззат жуда ўрнида бўлган, профессорларнинг бир ойлигига ҳатто енгил машина олиш мумкин экан. Демак, маош хизматга яраша бўлган. Ҳозирда эса жумҳуриятимиз профессорларининг даромади АҚШдагидан 10—15 марта кам. Бозор иқтисодиётига ўтилаётган даврда бу муаммолар ҳал қилинмаса, халқ таълими ва у билан боғлиқ муаммоларнинг ечими ҳам анча мушкуллашади.

Шароитлар яратиш билан боғлиқ бошқа бир мисол: Тошкентдаги авиация ишлаб чиқариш бирлашмасида Марказдан чақирилган ёш мутахассис икки йилда ўз уй-жойига эга бўлса, жумҳуриятимизнинг йирик олий билимгоҳларидан бири ТошПИда доцентлар йиллаб уй олиш учун навбатда турадилар. Бундай аҳвол, албатта, иш жараёнига таъсир қилмай қолмайди.

Дунёда қай бир халқнинг яшаш даражаси, маънавияти ва моддий аҳволини ривожлантирмоқчи бўлинса, катта режалар битилган Ҳаракат дастурига биринчи қилиб халқ таълими ва тарбия масалаларини қўйиш керак, деб ўйлайман. Зеро, Исмоил Сомонийнинг дастури сабаб юз йилдан сўнг буюк алломалар пайдо бўлди. Голландияликларнинг ўтган аср ўрталарида амалга оширган мактаб ислоҳоти 50 йилда ўз натижасини берди. Япония урушдан енгилиб чиққанди. Аҳволи бизнинг ҳозирги кунларимиздан оғир бўлганди. Лекин 1947 йилда мактаб ислоҳоти ўтказиб, улар ҳам асосий эътиборни таълим-тарбияга қаратдилар. Қарабсизки, 25 йил — чорак аср ичида дунёдаги етакчи, иқтисодий ва сиёсий жиҳатдан ривожланган давлатлар сафидан ўрин олишди.

Бинобарин, жумҳуриятимизда ҳам тўғри ва ойдин йўналиш олинса, дастурнинг асосий масалалари кетма-кетлик билан бажарилса, 10—15 йил ичида юксак поғонага кўтарилишимиз тайин. Жумҳуриятимиз маблағга муҳтож бир пайтда таълимни ривожлантириш учун маблағни қаердан олади, деган савол туғилиши табиий. Айни шу кунларда коммунистларимизнинг уюштирувчилик, ҳар ишга бош-қош бўлиш қобилияти қўл келади, деб ўйлайман. Ахир, ўз вақтида Катта Фарғона канали ҳашар йўли билан 45 кунда битказилган. Агар 20 миллионли халқимизнинг 15 миллиони ҳар куни мактаб қурилиши учун бир донадан ғишт қўйганда ҳам бир йилда мактаблар сони икки баравар кўпаяр эди. Ўзбекистон Компартиясининг Ҳаракат дастурини изчиллик билан рўёбга чиқара борсак, жумҳуриятимиз тез орада ўзини ўнглаб олади.

А. ОРТИҚОВ.
Беруний номидаги Тошкент политехника олий билимгоҳи партия қўмитасининг котиби, техника фанлари доктори, профессор.

Ўзбекистон Компартияси Марказий назорат комиссиясининг раёсатида

(Давоми. Боши биринчи бетда).

маяпти. Айни вақтда аввалги йилларда қабул этилган ва ўз актуаллигини йўқотган, партиянинг кейинги қарорларига мос келмайдиган қарорларнинг анчагина қисми, шунингдек, фуқаролардан тушган ҳамда Совет, давлат ва ҳуқуқни муҳофаза қилиш идораларининг ҳуқуқ-доирасига кирадиган бир қанча илтимос ва аризалар бўлимда назорат остида турибди.

Бўлим штатидаги ходимлар оз бўлишига қарамай, мазкур масалаларни кўриб чиқишга сайлаб қўйилган фаолларнинг кенг доираси, халқ хўжалиги мутахассислари орасидаги коммунистлар ҳали ҳам жалб этилмаяпти, хизмат ҳужжатлари билан ишлашнинг аниқ системаси йўлга қўйилмаган.

Марказий назорат комиссиясининг раёсати Марказий Комитет аграр сиёсат бўлимининг масалани тайёрлаш давомида Марказий назорат комиссиясининг назорат гуруҳи билан биргаликда қилинган иш ҳақидаги ахборотини эътиборга олди ҳамда бўлимга раҳбарлик қилаётган коммунистларга бу ишни давом эттириб, бу соҳадаги ишнинг аҳволи учун бўлим ходимларининг ва тегишли республика идоралари коммунист раҳбарларининг шахсий масъулиятини оширишга алоҳида эътибор беришни тавсия этди.

Мазкур камчиликлар Марказий Комитетнинг бошқа бўлимларида ҳам мавжуд бўлиши ҳисобга олиниб, уларга Марказий Комитет аппаратида хизмат ҳужжатлари билан ишлашни янада такомиллаштиришда, хат, ариза ва шикоятларни кўриб чиқишда Ўзбекистон Компартияси Ҳаракат дастури ва Уставининг тегишли қоидаларига, шунингдек, Иттифоқ ва республика аҳамиятига молик янги қонунларга мувофиқ партия, совет ва давлат идораларининг вазифаларини фарқлаш зарурлигига асосланиб иш тутиш тавсия этилди. Марказий Комитетнинг бўлимлари умумий бўлим билан биргаликда Ўзбекистон Компартияси XXII съездининг, Марказий Комитет кейинги пленумлари, Бюроси ва Котибиятининг қарорлари асосида ўз актуаллигини йўқотган қарорларни бундан буён назорат қилиш зарурлиги ёки зарур эмаслигини кўриб чиқиши мақсадга мувофиқ деб топилди.

Марказий назорат комиссиясининг раёсати Тошкент вилоят партия ташкилотининг молиявий-хўжалик фаолиятини текшириш натижаларини муҳокама қилди. Қабул этилган қарорда таъкидланадики, Тошкент вилоят партия ташкилотининг ижроия ва назорат органлари кейинги вақтларда партияни моддий маблағ билан, шу жумладан, аъзолик партия бадаллари ҳисобига мустаҳкамлаш соҳасида Устав талабларига риоя этилишини таъминлаш масалаларига эътиборни анча бўшаштириб юбордилар. Улар партия ташкилотларининг фаолиятини пул билан таъминлашдаги жиддий қийинчиликларни била туриб, ўз харажатларини ўзи қоплаш, партия бюджетидан фойдаланиш ва уни ижро этиш билан яхши шуғулланмаяптилар. Вилоят партия комитетларининг ярмиси дотация ҳисобига кун кечирмоқда.

Жойларда КПСС Уставида ва Ўзбекистон Компартиясининг Уставида кўзда тутилган молиявий комиссияларни тузиш ҳамон пайсалга солинмоқда, бу комиссиялар пул маблағларини тақсимлашда ва қайта тақсимлашда катта роль ўйнашлари лозим. Шу сабабга кўра, партия аъзолик бадалларининг миқдорини аниқлаш ҳамда уларнинг бошланғич партия ташкилотларига ажратиладиган қисмидан фойдаланиш воситалари равшан эмас.

Вилоят партия ташкилотида коммунистларнинг партияни моддий маблағ билан қўллаб-қувватлаш тўғрисидаги Устав талабларига риоя этишларини таъминлаш масалаларига юзаки ёндошилаётганини, кўпгина партия комитетлари бепарво кузатувчи бўлиб турганликларини, назорат комиссиялари эса уларга нисбатан ўз ваколатларига мувофиқ муносиб талабчанлик қилмаётганликларини текшириш натижалари кўрсатиб берди. Улар аъзолик бадалларини ўз вақтида ва тўла-тўкис тўлаш партия бюджети даромад қисмини ижро этишнинггина эмас, шу билан бирга партия интизомини мустаҳкамлашнинг, коммунистлар орасида онглиликни ошириш ва уларни жамоат ишига жалб этишнинг ҳам энг муҳим омилларидан бири эканини эътибордан четда қолдирдилар. Текширилган ҳар тўрт партия ташкилотининг бирида коммунистлар партия аъзолик бадалларини тўлаш муддатига риоя этмаётганликлари, ҳар уч коммунистдан бири 3 ой ва ундан ҳам кўпроқ вақт учун қарздор бўлиб қолаётганлиги аниқланди. Бекобод шаҳар, Бўка, Оҳангарон, Ғалаба район партия ташкилотларида, айниқса, кўп коммунистлар қарздор бўлиб қолишига йўл қўйилган. Йил давомида умуман вилоятда қарздорлик даражаси қарийб уч баравар кўпайган.

Тошкент вилоят партия комитети, шаҳар, район партия комитетлари, назорат комиссиялари, сайлаб қўйилган партия фаолларининг имкониятларидан ҳали ҳам яхши фойдаланмаяптилар. Ўтган йилда уларнинг иштироки билан бошланғич партия ташкилотларининг атиги олтидан бир қисми текширилган. Бир қанча партия комитетларида аппарат ходимлари бу ишдан ўзларини четга олганлар, назорат комиссиялари тузган ҳамда партия бюджетининг ижроси ва фойдаланилишини назорат қилиши лозим бўлган кўпгина гуруҳлар ишламаяпти.

Меҳнат жамоаларида ва аҳоли истиқомат жойларида партия интизоми, ташкилотчилик ва сиёсий иш бўшашиб кетганлиги натижасида партиядан чиқувчи коммунистлар кўпайиб бормоқда. Ижтимоий ахлоқ тартиб-қоидасидан чекинаётган, ҳуқуқни бузаётган КПСС аъзолари камаймаяпти. Мана шуларнинг ҳаммаси ижтимоий-сиёсий иқлимга салбий таъсир қилмоқда, аҳолининг вилоят партия органларига ишончига путур етказмоқда.

Марказий Назорат комиссиясининг раёсати Тошкент вилоят партия комитети бюросининг ва вилоят партия ташкилоти назорат комиссияси раёсатининг диққат-эътиборини КПСС Устави ва Ўзбекистон Компартияси Уставининг партия аъзолик бадалларини тўлашга доир қисмини жиддий равишда бузишга йўл қўйилганлигига, шунингдек, Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитетининг шу масалаларга оид сўнгги қарорларига мувофиқ интизомни, уюшқоқлик ва тартибни мустаҳкамлаш юзасидан таъсирчан чоралар кўрилмаганлигига қаратди.

Вилоят партия ташкилотининг ижроия ва назорат органларига молиявий комиссиялар тузиш ишини кучайтириш, партия бюджетининг ижроси ва фойдаланилиши соҳасидаги ишларнинг аҳволи учун шахсан масъул бўлган аниқ кишиларни белгилаб қўйиш, юқори партия органларининг қарорларини сўзсиз бажариш юзасидан узил-кесил чоралар кўриш таклиф этилди.

Тошкент вилояг партия ташкилоти назорат комиссиясининг раёсатига партия комитетлари аппарати ва раҳбар коммунистлари Устав талабларини бажаришларини назорат қилиш соҳасида комиссия фаолиятига аниқлик киритиш, тегишли назорат гуруҳлари ишининг самарадорлигини оширишни таъминлаш тавсия қилинди. Марказий назорат комиссиясининг вилоят партия ташкилотидан сайланган аъзоларига вилоят партия ташкилоти ижроия ва назорат органларининг коммунистлар ўртасида интизомни мустаҳкамлашга, уларнинг масъулиятини оширишга ва ички партия демократиясини янада ривожлантиришга қаратилган фаолиятини такомиллаштиришда уларга доимий ёрдам бериш таклиф этилди.

Марказий назорат комиссияси раёсатининг мажлисида коммунистларнинг шикоят-аризалари ва мурожаатномалари ҳам кўриб чиқилди. Тегишли қарорлар қабул қилинди.

ДАРОМАД ОЛИШ ҒАМИДА

● «Андижонкабель» заводининг биринчи цехи жамоаси бу йилни дадил бошлади. Дастлабки кунларданоқ танқис маҳсулот ишлаб чиқаришда жадвалдан ўзиб кетилди. Бу ерда ўтган йили режадагидан ташқари 70 минг сўм фойда олинди, кабелчилар бундан буён ҳам суръатни тобора ошириб, қатъий жадвал асосида ишлаш ниятидалар.

— Барча цехларнинг жамоалари январь ойида юксак унум билан ишлаяпти, — дейди завод директори Я. Одилов. — Бизга фақат бир нарса — хом ашёнинг кам етказиб берилаётганлиги халақит қиляпти. Лекин бу муаммо тез орада ҳал этилади, деб умид қиламан. Биз хом ашё етказиб берувчилар билан бевосита алоқалар боғладик, энди барча муаммоларни биргаликдаги саъй-ҳаракатлар билан ҳал этишга интиляпмиз.

«Андижонкабел»нинг бу йилги ишлаб чиқариш режаси анча тиғиз. Жамоа 47 миллион сўмлик, яъни ўтган йилгидан 15 миллион сўмлик кўп маҳсулот ишлаб чиқариши керак. Бу ерда ишлаб чиқариш ҳажмининг бу қадар кескин оширилишидан чўчишмади.

(ЎзТАГ мухбири).

● Бозор иқтисодиёти ва ҳаёт

ЎНГЛАНИШ ЙЎЛИДАГИ ИЗЛАНИШ

Норин районидаги Ҳаққулобод йигирув-тўқув фабрикаси меҳнат жамоаси корхона ишга туширилган 1984 йилдан буён муаммолар гирдобидан чиқолмайди. Ўтган йилларда бу ерда қувватлар ҳам кўнгилдагидек ўзлаштирилмади. Технология ускуналарини бутлашда, ишлаб чиқаришни янгича ташкил этишда тушунмовчиликларга йўл қўйилди, кадрларнинг касб малакаси эса пастлигича қолиб кетди.

Дарвоқе, ишчи кадрлар ҳақида гап кетганда шуни таъкидлаш керак: корхонада асосан хотин-қизлар меҳнат қилади. Тўғрисини айтганда, уларнинг анчагина қисми маълум муддатгача ишлайди. Оилали бўлишгандан кейин эса, бирон-бир касбни яхши эгалламасданоқ ҳомиладорлик таътили (отпускаси)га чиқиб кетишади. Баъзан ҳатто юзлаб аёллар ана шу тарзда ишлаб чиқаришдан ажралиб қолишади. Албатта, кадрлар қўнимсизлигидаги бундай аҳвол корхонанинг иш суръатига таъсир қилмасдан қолмайди. Шу сабаб фабрика кўп йиллар белгиланган режаларни уддалай олмади. Маҳсулот сифатига ҳам путур етди. Хуллас, ўтган даврда фабрика жамоаси доимий равишда энг кўп зарар кўрувчилар қаторида келди.

Ниҳоят, Ҳаққулобод тўқимачиларининг ҳам бахти кулиб боқди. Ўтган йили янги директор Абдуолим Мўминов бошлиқ мутахассислар ишлаб чиқаришни қайта ташкил этишга, технологияни такомиллаштиришга ва, энг муҳими, меҳнат интизомини мустаҳкамлашга эътиборни қаратдилар. Корхона жамоаси масъулиятни сезиб ишни ўнглашга ҳаракат қилди. Хуллас, тинимсиз изланиш ўз натижасини берди. Фабрика йиллик режани уддалаб, зарар кўрувчилар сафидан чиқиб олди.

Бу, албатта, фабрика аҳлига умидбахш кайфият бағишлади. Улар янги йилнинг биринчи кунларидан бошлаб меҳнат отига қамчи босдилар. Корхона раҳбарларининг фикрича, ҳали қувонишга эрта. Негаки, бозор иқтисодиётига ўтиш даври келди. Эндиликда ҳеч ким боқимандалик билан кун кўролмайди. Очиғи, бозор иқтисодиётининг талаби ҳам ана шундай.

Бинобарин, бугунги кунда ҳаққулободлик тўқувчилар қўлни қовуштириб ўтиришмаяпти. Бундан бир ой муқаддам бўлимлар, цехлар, барча етакчи мутахассислар йиғилишиб, бозор иқтисодиётига қандай қилиб ўтиш масаласини келишиб олишди. Бозор иқтисодиётига ўтиш бўйича кенгаш ташкил этилди. Кенгаш таркибига директор, муҳандислар, иқтисодчилар, технологлар, жамоат ташкилотлари вакилларидан иборат 13 киши киритилди. Ишлаб чиқариш йўналишини назорат қилиш фабрика бош муҳандиси Муқимжон Собировга, молиявий ва иқтисодий жиҳати — Қирғизали Маматқуловга топширилди. Кенгашнинг асосий вазифаси — бозор иқтисодиёти йўлларини ишлаб чиқишга қаратилди. Бош ҳисобчи, ишлаб чиқариш-техника таълими ҳамда меҳнат ва иш ҳақи бўлими бошлиқлари қўшни Фарғона йигирув-тўқув фабрикасига бориб, анча янгиликларни ўрганиб келишди. Кейин эса Минск кўн-галантерея фабрикасидан методик тавсияномалар олинди. Ҳозир эса ана шулардан фойдаланган ҳолда бозорга ўтишнинг маҳаллий шароитга мосланган тадбирлари ишлаб чиқилмоқда.

— Энг муҳим омилимиз ижара пудратига ўтиш ва меҳнатни моддий жиҳатдан рағбатлантириш бўлиб қолмоқда, — дейди фабрика бош ҳисобчиси Қ. Маматқулов. — Жамоамизнинг ҳар бир аъзосида умум ишига дахлдорлик туйғуси пайдо бўлишига ишонамиз. Ишни шундай ташкил этамизки, ҳар бир киши ўз меҳнатидан моддий манфаатдор бўлади, маълум бир мақсад ва ният билан ишга келади.

Иккинчидан, ўз хом ашёмиздан тайёрланаётган ҳар бир метр арзон штапель газламанинг улгуржи нархи 1,5 сўмга кўтарилади. Масалан, ўтган ойга қадар маҳсулотимизнинг ҳар бир метрини 53 тийиндан сотар эдик. Яқинда унинг нархи 69 тийинга кўтарилди. Тўғриси, илгари биз ўз маҳсулотимизни жуда арзон нархда сотар эдик. Эндиликда эса ижара пудратига, кейинчалик бозор иқтисодиётига ўтиш муносабати билан шартнома нархларини бироз оширишга тўғри келяпти.

Бу йил фабрикада янги тикувчилик цехи очиш режалаштирилмоқда. Цех йилига 2 миллион сўмлик соф фойда беради, бу даромаддан жамоа ўз хоҳишига кўра фойдаланиши мумкин. Мазкур цех корхона ижара пудратига ўтиши муносабати билан бўшаб қоладиган 60 кишини иш билан таъминлаш ва меҳнат унумдорлигини ошириш имконини беради. Буларнинг ҳаммаси ўз навбатида бозор иқтисодиётига қийинчиликларсиз ўтишда ёрдам бериши турган гап.

Бизнингча, мазкур корхона учун бозор иқтисодиётига ўтишнинг камида учта «лекин»и бор. Биринчиси, фабрикада ишлаб чиқаришнинг сустлиги, маҳсулот сифатининг пастлиги, кадрлар масаласининг ҳал қилинмаганлигидир. Филиал раҳбарияти ишчи кадрларни ўқитиш системасини қатъий қайта қуришлари, ишлаб чиқариш учун ўта зарур бўлган мутахассислар тайёрлашга алоҳида эътибор беришлари ва умуман малакали иш юрита оладиган меҳнат жамоасини шакллантиришлари лозим.

Иккинчидан, нархлар масаласини аниқлаб олиш керак. Тўғриси, филиал ўзича нархларни ошира олмайди. Чунки бунга бирлашма бош корхонаси — Наманган шойи газламалар ишлаб чиқариш бирлашмаси қандай муносабатда бўлиши номаълум.

Ниҳоят, учинчиси. Бугунги кунда ҳисобини билмаган ҳамёнидан айрилиши турган гап. Шунинг учун ишбилармонлик, омилкорлик, ҳисобдонлик ҳар бир раҳбар ходим фаолиятининг мезонига айланиши керак. Биз бу ерда бошқача ҳолга дуч келдик. Фабрика директори, план бўлимининг бошлиғи ва бош ҳисобчининг маълумотларига қараганда, корхона зарардан қутулиб, фойда олишга ўтган.

Бироқ улардан ҳеч бири бунга қандай қилиб эришилди, таннархни пасайтиришдаги омиллар қаерда яширинган экан, деган оддий саволларга ҳам жавоб бериша олмади. Бундан чиқдики, улар таҳлилсиз, таваккалига иш юритишмоқда.

Тўғриси, ҳозирги шароитда фойда қаёқдан келаётганлигини билмай туриб, рентабелликни ошириш ҳақида бош қотириб бўлармикин? Кўриниб турибдики, бозор иқтисодиёти шароитида бу ердаги раҳбар ва мутахассислар ўз иқтисодий билимларини мустаҳкамлашлари учун ўқиб-ўрганишлари, бошқа корхоналарда бўлиб тажриба алмашишлари, ишни ўнглаш йўлидаги изланишларни янада кучайтиришлари лозим. Шундагина фабрикада ўзгариш ясаш, уни чинакамига истиқболли корхонага айлантириш осон кечади.

К. БОЙЧИБОЕВ,
Т. СУЛАЙМОНОВ,
Наманган вилояти.

ФОРС ҚЎРФАЗИДАГИ ВОҚЕАЛАР ХУСУСИДА

● ВАШИНГТОН

АҚШ Президенти Жорж Буш Американинг захирадаги офицерлари уюшмасида сўзга чиқиб бундай деди: «Саҳродаги бўрон» операцияси бошланганига бир ҳафта бўлди. Операция режалаштирилганидек ўтаётганини мамнуният билан айта оламан».

«Уруш 16 январь куни бошланди, дейиш тўғри эмас, — деб таъкидлади Президент, — аслида можаро ўтган йилнинг 2 августида, Ироқ ҳеч нарсадан ҳеч нарса йўқ қўшни Қувайтга қарши тажовуз қилган пайтда бошланган эди. Кўпмиллатли иттифоқ «Саҳродаги бўрон» операциясини бажаришга киришар экан, аслида, урушни тугатиш учун жанг бошлади».

Америка маъмурияти бошлиғининг айтишича, Саддам Ҳусайннинг можарони тинч йўл билан бартараф қилиш учун вақти ҳам, имконияти ҳам бор эди, аммо у «тинчлик учун қилинган ҳамма даъватларни нафрат билан рад этди».

● ҚОҲИРА

Саудия Арабистонидаги қўшинларнинг бирлашган қўмондонлиги эълон қилган ва МЕНА ахборот маҳкамаси Ар-Риёддан берган маълумотда айтилишича, Форс қўрфази атрофида уруш ҳаракатлари бошлангандан буён кўпмиллатли кучларнинг авиацияси ўз самолётларини ўн икки минг марта учирди.

Уруш вақтида кўпмиллатли кучлар ҳаммаси бўлиб 22 та самолётдан маҳрум бўлди, шундан 15 тасини Ироқнинг осмон ҳужумидан мудофаа воситалари уриб туширди, еттитаси эса техник носозлиги оқибатида қулаб тушди. Жанглар давомида осмонда Ироқ ҳарбий-ҳаво кучларининг 17 та самолёти яксон қилинди.

Форс қўрфази сувларида жанговар ҳаракатлар бошлангандан буён Ироқ мина жойловчилари сув қаърига ўрнатиб қўйган 25 та мина зарарсизлантирилди.

Маълумотномада айтилишича, бугун эрталаб қуруқликдаги қўшинларнинг бўлинмалари билан Ироқ армиясининг отрядлари ўртасида тўқнашув бўлди. Иккала томон ўқ отиш қуролини ишлатди. Кўпмиллатли кучлар таркибидан икки аскар жароҳатланди. Ироқнинг олти нафар ҳарбий хизматчиси асир олинди.

* * *

МЕНА ахборот маҳкамасининг Ар-Риёддан хабар қилишича, Буюк Британия ҳарбий-ҳаво кучларининг самолётлари Ироқ қуролли кучларининг энг жанговар қисмлари — республика гвардияси турган жойни «шафқатсиз бомбардимон» қилди.

Ироқ қўшинлари катта талофот кўрди ва Британия авиациясига жиддий қаршилик қила олмади. Буюк Британия ҳарбий-ҳаво кучларининг самолётлари 500 мартадан кўпроқ парвоз қилди. Ироқ аэродромларининг учиш йўлкалари ва пиёдаларга қарши мина ўрнатилган жойларига махсус бомбалар билан зарба урилди. Натижада Ироқнинг қирувчи самолётлари осмонга кўтарила олмади.

(ТАСС).

ИШЧИ ҚЎЛЛАР ҚАДРИГА ЕТЯПМИЗМИ?

(Давоми. Боши биринчи бетда).

Гўшт комбинати, гўшт сақлаш иншооти, колбаса цехи қурилди. Ҳар куни икки тонна сосиска ишлаб чиқарадиган япон аппарати сотиб олинди. Улардан районнинг ҳамма хўжаликлари баҳраманд бўлаётганликлари таҳсинга сазовор.

Бу ерда вилоятдаги бошқа бирон районда бўлмаган яхши бир тадбир йўлга қўйилган. Давлат ва жамоа хўжаликлари банкка етти миллион сўм қарз берган. Колхоз ва совхозлар юз фоиз хўжалик ҳисобига ўтказилди. Районда бригада ва оила пудрати ҳамда ижара усули кенг қулоч ёйган.

— Бизда ишсизликка барҳам берилган десам, асло муболаға қилмаган бўламан, — дейди райком котиби. — Мана, қиш пайтини олиб кўрайлик. Колхоз ва совхозларда уч мингга яқин одам чорвачилик билан машғул. Техника ремонти қизғин кетяпти. Бу иш билан бир ярим минг одам банд. Ҳозиргача ўн икки минг гектар ерга яхоб суви берилди. Уни ўн етти минг гектарга етказамиз. Теплицаларда, ер текислашда, қурилишларда ҳам аҳоли иш билан машғул.

Ҳа, районда аҳолини иш билан таъминлаш борасида амалга оширилаётган ишлар бошқа районлар учун ибратли. Бу ерда 1991 йил учун аҳоли барча табақаларининг аниқ қайси иш билан шуғулланиши бундан уч ой муқаддам район ижроия қўмитасида, молиячи ва режалаштирувчилар иштирокида ипидан-игнасигача пухта ишлаб чиқилган. Бу — районда ишларнинг юқори маромда боришини таъминлаяпти.

1985 йилдан бошлаб даромад ҳам, рентабеллик ҳам ошди. Ҳар бир киши даромади 1985 йилда ойига 133,5 сўмни ташкил этган бўлса, ўтган йили 280 сўмга етди.

ҚИШЛОҚ КОРХОНАСИНИНГ ОҲАНРАБОСИ

Ховоснинг узоқ тоғолди қишлоғи Баланд Чақирда Гулистон тикувчилик ишлаб чиқариш бирлашмасининг чоғроқ филиали бор. Корхона ҳозир анча такомиллашиб, қишлоқликларнинг эътиборига тушиб қолди. Бунинг турли сабаблари бор. Асосий сабаб — қишлоқ аҳолиси иқтисодий-ижтимоий аҳволининг танглиги, иш жойларининг етишмаслигида.

Бу ердаги «Ховос» давлат хўжалиги ҳудуди кенг майдонни эгаллайди. Лекин бу ерлар тоғолди кенглиги бўлганидан сув йўқ. Гектар-гектар майдон лаб ялаб ётибди. Лалмикор ерлардан об-ҳаво авзойига қараб ҳосил олинади. Баъзи йиллар ёғин-сочин кам бўлиб, экилган ғалла уруғликни ҳам қопламайди. Кўпчилик чорвачилик билан машғул. Бироқ ҳамма чорва билан машғул бўлолмайдику!

Хўш, нима қилиш керак? Хотин-қизлар-чи? Шуни мулоҳаза қилган Ўзбекистон ҳукумати қишлоқларда ҳам катта корхоналарнинг филиалларини очишга қарор қилганда Ховос туманининг Баланд Чақир қишлоғида юқоридаги айтганимиз тикувчилик филиали ташкил этилганди. Сирасини айтганда, бу савобли иш бўлди. Бу корхона дастлабки йили қирқ чоғли қизни иш билан таъминлади. Орадан йиллар ўтиб мослаштирилган бино ёнбошига қўшимча хоналар қурилди. Ҳозир бу ерда икки сменада 250 хотин-қиз меҳнат билан машғул. Уларнинг топиши унча кўп бўлмасада, тирикчилик ва орзу-ҳавасларига баҳоли-қудрат яраб турибди.

Филиал касаба уюшмаси қўмитаси раиси Толибжон Жўраев мулоҳазалари қуйидагича:

— Хотин-қизлар ва болалар учун кийим-кечак тикишга ихтисослашган филиалимиз шу атрофдаги қишлоқлар жамоатчилиги орасида шуҳрат қозонди, энди филиални алоҳида фабрикага айлантириш лозим бўлиб қолди. Буни, аввало, қишлоқда ишчи кучи кўплиги тақозо этяпти. Бунинг учун зарур имкониятлар бор. Тармоқ вазирлиги «ҳа» деб юборса, бас.

Зарур имкониятлар борлиги-ю, вазирлик «ҳа» деб юборишининг маъниси нималигини филиал бошлиғи Аҳмаджон Раимовдан суриштирмоқчи бўлдик. Лекин у хом ашё муаммоси хусусида бош корхонага кетгани сабабли яна касаба уюшмаси раисига мурожаат қилдик.

> **Бозор муносабатларига ўтиш шароитида аҳолини иш билан таъминлаш муаммосининг ҳал этилиши жуда катта аҳамиятга моликдир.**
>
> **Иш ўринларини барпо этиш вазифаларини ҳал қилишда маҳаллий аҳолининг миллий-маданий турмуш тарзи, оилаларнинг анъанавий кўп болалиги, оилаларнинг ўзи туғилиб ўсган жойга тарихан содиқлиги ҳисобга олиниб, шунга мос келадиган корхоналар ривожлантирилиши керак.**
>
> **(Ўзбекистон Коммунистик партиясининг Ҳаракат дастуридан).**

— Бунинг маъниси шуки, — деди Толибжон Жўраев бироз мулоҳаза қилиб тургач, — ишчи кучи десангиз, бизда бисёр. Мактаб ўқувчилари қатнайдиган ўқув-ишлаб чиқариш комбинати ҳар йили юзга яқин бичиқчи-тикувчи қизларни узлуксиз тайёрлаб беряпти. Филиалнинг ўзида қишлоқ хотин-қизларидан иборат малакали ишчи кадрлар авлоди вояга етди. Уларнинг мураббийлиги туфайли кўплаб шогирдлар ишчи синфи сафига дадил кириб келяпти. Ўзбекистон Енгил саноат вазирлиги мутасаддилари қишлоғимиздаги ишчи кучлари кўплиги имкониятини ҳисобга олиб, етишмай турган машина-ускуналар, тикув агрегатлари, тегишли маблағ ажратса, филиални алоҳида мустақил фабрикага айлантириш ҳеч гап эмас.

Дарҳақиқат, бу ерда фақат тикувчилик фабрикасигина эмас, бошқа кичик корхоналар ҳам очиш мумкин. Филиал мутасаддилари ҳисобича, ҳозирнинг ўзида элликдан ортиқ тайёр малакали тикувчи-бичиқчига дастгоҳлар етишмай турибди. Қишлоқ фаоллари бу масалани қатъий қилиб қўймоқда. Ўзбекистон ССР Енгил саноат, Маҳаллий саноат, Бинокорлик материаллари саноати вазирликлари бу маскандаги имкониятларни манфаатдорлик билан ўрганишлари, ечишлари керак, деб ҳисоблаймиз. Халқ депутатлари қишлоқ Кенгаши ижроия қўмитасида таъкидлашларича, Паст Чақир, Баланд Чақир, Чақан, Путурғай қишлоқлари ҳудудида яшаб турган ўн минг аҳолининг 1.200 нафари ишсиз.

Районда 52 минг, шу жумладан Ширин шаҳрида 12 минг аҳоли истиқомат қилади.

— Бироқ ҳозирги пайтда 2,5 минг киши ишсиз, — деб фикрини очиқ айтди Ховос район партия қўмитасининг биринчи котиби, район Кенгашининг раиси Ғойиб Шарипов. — Сабаби «Ховос», Тимирязев номли давлат хўжаликларида сув йўқ. Бирор экин экишолмайди. Қачон ёмғир ёғаркин, деб осмонга қараб ўтиришади. Аммо биз партия ва совет ташкилотлари қўл қовуштириб ўтирганимиз йўқ. Кўпгина вазирликлар бизнинг арздодимизга қулоқ солмоқдалар. Масалан, республика Мелиорация ва сув хўжалиги вазирлиги бу ерларга сув келтириш борасида катта ёрдам беряпти. Лойиҳалар тузиб бўлинган. Ҳозир эллик километрлик суғориш шаҳобчаларини қазиш ишлари бошланди. Бу ерда катта миқёсда иш боряпти, бўш ётган етмиш минг гектар ерда мўл ҳосил етиштириш имконини беради.

Мени бир нарса ҳам ўйлатади, ҳам ачинтиради. Сув йўқлиги, бунинг натижасида одамларни иш билан тўла таъминлай олмаётганимиз учун кўпгина ховосликлар иш қидириб Меҳнатобод чўлларига кетиб қолди. Уларнинг бир қисми Боёвутга кетди. Ўзи аслида ишсизлик муаммоси аҳоли зич жойларда бўларди. Бизда эса аҳоли зич эмас. Шунга қарамай, бу муаммо бизда ҳам пайдо бўлди. Ўрта ҳисобда ҳар ойда 20—30 сўмдан даромад оладиган оилалар борлигини нормал ҳол деб бўладими, ахир?

ДАРД БОРУ, ДАРМОН ЙЎҚ

Баланд Чақирда бўлганимизда яна бир ачинарли аҳвол ҳақида кўпчилик жон куйдириб гапирди. «Ишламасликнинг иложи йўқ, — дейишди отахон ва онахонлар, — қўлидан иш келадиган бўй етган йигит ва қизларимиз, келинларимизнинг уйда бекор ўтириши хунук бўларкан. Уйланган йигитлар кучини қаерга қўярини билмай юрган ўғилларингнинг уйга узун кириб-узун чиқиши ташвишлантирмоқда. Ҳатто ҳавотиримиз ҳам бор. Бекорчи бу ёшлар «йўлдан адашиб» кўча-кўйда «бир қилиқ» чиқармасайди, деб қўрқамиз. На ишлаб рўзғорда иш, на бирор касбни ўрганишга бу ерда имкон бор. Эртага улар ким бўлиб етишади?».

Бу фикр-мулоҳазалар бизни ўйлантириб қўйди.

«Ховос» давлат хўжалиги марказидамиз. Бу ерда хўжалик вакиллари, қишлоқ кишилари тўпланиб туришган экан. Улардан бири Эргаш Абдусаматов шундай деди:

— Ёшим 61 да. Умрим бўйи деҳқончилик қилиб келдим. Оиламизда жами 21 киши бор. Ўғилларим Маматқул билан Умматқул тракторчи, Имомназар «Ҳавотаг» санаторийсида ходим. Жуманазар шофёр, Манзура эса 9-синфда ўқийди. Ҳар ойда оиламиз даромади 400 сўмга аранг етади. Энди 21 жонга тақсимлангчи, салкам 20 сўмга тўғри келади. Тўғри, ҳовлимизда беш қўй, уч молимиз бор. Шунча жонга бу нима бўлади, дейсиз?

Ўзини идора қоровули деб таништирган, бир кам олтмиш ёшли Жўрабой Нарзуллаевнинг дарди ҳам кам эмасди.

— Тўққиз жонмиз, — деди у. — Қизларимдан қутулдим. Уч ўғлим бор: Тўхтасин, Эргаш, Ўткир. Мана Тўхтасин ҳам ёнимда.

Тўхтасинни гапга тутдик.

— Олти ой мол боқаман, чўпонман. Апрелдан то октябргача туёқ кетидан юраман. Бу ёғига эса бўшман. Оилада ҳам, қишлоқда ҳам бекорчи, деган гапдан истиҳола қиламан.

— Бошқа касбингиз борми?

— Шофёрман, ҳужжатим ҳам бор. Аммо иш йўқ.

— Уйланганмисиз?

— Ҳа, уч болам бор. Тўнғичи тўрт ёш, кенжаси бир ярим ёшга тўлди. Хотиним Саодат ҳам ҳеч қаерда ишламайди. Ҳолбуки, ўрта маълумотли, тикувчилик бемалол қўлидан келади. Айтишга ҳам одам ийманади. Ҳар йили тишимнинг кавагида пул асраб тўй қилганимга олти йил бўлди. Анави уй бизники. Кўриб турибсиз, шиферсиз, поли ҳам йўқ.

— Аҳоли ичимлик сувни қаердан оляпти? — деб сўрадик «Ховос» давлат хўжалиги директори Ғайбулло Исмоиловдан.

— Артезиандан, тоғ пойидаги булоқлардан, — деди у. — Илгари Шаҳристондан сув келарди. Ҳозир у ҳам йўқ. Сув бўлса эл-юрт кўкаради. Эшакларга ортилган идишларда сув ташиб тирикчилик қиляпмиз. Булоқлар ҳам қуриб боряпти. Илгарилари ўттизга яқин булоқ бўлса, ҳозир атиги иккита булоқ қолди.

Бу хавотирда жон бор. Улар учун ёз-кузда оз бўлсада иш топилади- ғалла йиғишади, чорвага ҳашак тўплашади. Кеч куз ва қишда-чи? Тўғри, икки йил муддат ичида бу жойларга сув олиб келишмоқчи, деҳқончиликни, боғдорчиликни йўлга қўйишмоқчи. Унгача-чи? Унгача тоғ ҳавосидан, чўл тафтидан баҳра олган соғлом, куч-қувватга тўлган ёш-яланглар қўл қовуштириб ўтиришадими? «Ховос» давлат хўжалиги, қолаверса, Сирдарё вилоятининг бошқа қишлоқларидаги шунга ўхшаш ёшларнинг тўйиб еб, тўкис кийиниш, орзу-ҳавас қилиш иштиёқлари йўқ, деб ўйлаш хато бўлур эди. Биз уларнинг мулоҳазаларига қўшилдик.

Иш билан таъминлашга дахлдор республика вазирликлари, идоралар, хусусан, вилоят партия, ижроия қўмиталари бу ҳақдаги гапларни дангал айтишлари керак. Бундан бошқа йўл йўқ. Бозор иқтисодиёти жараёнида қишлоқ аҳолиси иқтисодий-ижтимоий аҳволи билан чала шуғулланиб бўлмайди. Қолаверса, бу юзаки қараладиган жабҳа эмас.

Баланд Чақирдаги Енгил саноат вазирлигига қарашли ягона тикувчилик корхонаси қишлоқ хотин-қизларини оҳанрабодек ўзига тортиб турғани сабаблари чуқурроқ мулоҳаза этиб, вилоят миқёсида республика қишлоқларидаги ишсизликни бартараф этиш хусусида амалий чора-тадбирлар кўрилиши лозим. Ҳозиргача гап-сўз кўп-у, амалий натижа оз, жуда оз.

АРҒАМЧИГА ҚИЛ ҚУВВАТ

Ўзбекистон ССР Президенти И. А. Каримов, Ўзбекистон Компартияси аҳолини иш билан таъминлаш муаммосини ҳал этиш учун бир қатор тадбирларни белгилаб бердилар. Лоақал, яқинда Ўзбекистон ССР Президентининг «Колхозчилар, совхозларнинг ишчилари ва қишлоқ жойларида яшовчи бошқа фуқароларнинг шахсий ёрдамчи хўжаликларини янада ривожлантиришга оид қўшимча тадбирлар тўғрисида»ги Фармонини эслаш кифоя. Ҳозиргача бир миллион 514 мингдан кўпроқ оила янги ер участкалари билан таъминланди ва ўз томорқаларини кенгайтирдилар. Ана шу мақсадда уларга 183 минг гектардан зиёд ер ажратилди.

Сирдарё вилоятида ҳар бир оилага 0,20 гектар ва ундан ҳам кўпроқ ер тўғри келади. Бу бутун республикамиз бўйича ўртача кўрсаткичдан анча кўпдир. Президентнинг янги Фармони қишлоқ жойларда томорқа участкаларини 516,6 минг гектарга етказиш имконини беради. Ҳолбуки, Фармон қабул қилинганига қадар ана шу участкалар умумий майдони 224,9 минг гектарни ташкил этарди. Бошқача қилиб айтганда, эндиликда шахсий хўжаликларнинг ер майдонлари икки баравардан кўпроқ кенгайтирилади. Яъни бу йил ёрдамчи хўжаликлар учун яна қўшимча 108,5 минг гектар ер ажратиш мўлжалланмоқда. Бу эса қишлоқ жойларда аҳолини иш билан тўла таъминлашнинг яна бир мақбул йўлидир.

Вилоятда бу борада анчагина ишлар қилинмоқда. Бу ерда шахсий ёрдамчи хўжаликларнинг вилоят ассоциацияси тузилди. Барча районларда уларнинг вакиллари йиғилишлари ўтказилди. Район ассоциацияларининг раислари сайланди. Матлубот жамиятлари шахсий ёрдамчи хўжаликлари билан маҳсулотлар етказиб бериш бўйича шартномалар тузишмоқда. Аҳолини иш билан таъминлаш йўлларидан яна бири ижара ва ширкатлардир. Ҳозир вилоятда 700 га яқин ширкат бор.

Аммо аҳолини қишин-ёзин иш билан таъминлашнинг бошқа жуда катта имконияти ҳам мавжуд. Бу — кичик-кичик қайта ишлаш корхоналарини, турли цехларни кўпайтиришдан иборат. 1991 — 1995 йилларда вилоятда маҳсулотни қайта ишлаб берадиган 49 та корхона, қурилиш материаллари, ғишт, оҳак цехлари қуриш мўлжалланмоқда. Агар ана шу жойларда иш икки-уч сменада ташкил этилса, вилоят бўйича ўн минг аҳолини иш билан тўла таъминлаш мумкин. Фақат аёлларни учинчи сменага жалб этмаслик керак. Шу беш йилликнинг ўзида олтита ғишт заводи қурилади. Ҳар сменада беш тонна гўшт тайёрлайдиган иккита гўшт комбинатидан бири фойдаланишга топширилди. Гулистон районида янги гўшт комбинати барпо этилади. Шунингдек, бу ерда мева-сабзавотларни қайта ишлаш корхоналари қурилади. Булар — ҳамир учидан патир, албатта. Режаларнинг ҳаммасини санаб чиқишнинг иложи йўқ.

Янги қайта ишлаш цехларини қуриш мўлжалланмоқда. Мавжудларида эса асбоб-ускуналар ҳозирги замон талабларига жавоб бермайди. Ҳолбуки бозор иқтисодиётига ўтилса, рақобатга бардош бера олмаган корхоналарнинг ишчилари ишсиз қолишлари мумкин. Шунинг учун ҳам уларнинг фан-техника ютуқлари асосида жиҳозланишига асосий эътиборни қаратмоқ керак. Бу масала вилоят сессиясида ҳам кўриб чиқилди. Бундан ташқари ҳар бир колхоз ва совхозда қайта ишлаш цехлари, гилам тўқиш, тикувчилик цехларини қуриб, ишга тушириш бўйича яхши режалар мўлжалланмоқда. Ҳозир эса 15 га яқин қайта ишлаш корхоналари ишлаб турибди.

Иш вақтидан фойдаланиш, кадрлар қўнимсизлиги ва бошқа масалалар синчиклаб ўрганиб чиқилмоқда. Масалан, Гулистондаги 2-пойабзал фабрикаси, тикувчилик ишлаб чиқариш бирлашмаси ва бошқаларда ана шу масалалар қаторида меҳнат интизоми, меҳнат унумдорлигини ошириш билан боғлиқ масалалар ўрганилди. Бу борада Ўзбекистон ССР Енгил саноат вазирлигига мактуб ҳам йўлланди.

Мана шу комплекс муаммолар бўйича туғилган 80 дан зиёд масалани юқори ташкилотлар олдига қўйдик, — дейди вилоят ижроқўмининг меҳнат ва ижтимоий масалалар бошқармаси бошлиғи Неъмат Аббосович Ёқубов. — Ўзимизда бор имкониятларни ишга солишга ҳаракат қиляпмиз. Гулистон, Боёвут ва бошқа районларда аҳолининг иштиёқи шуни кўрсатиб турибдики, агар Ўзбекистон ССР Енгил, Маҳаллий саноат, Бинокорлик материаллари саноати вазирликлари аҳолига маиший хизмат кўрсатиш тармоғи ҳамда «Ўзбекбирлашув» бизга ёрдам қўлини чўзса, аҳолини иш билан таъминлаш муаммосини ҳал этиш тезлашарди.

Бу тадбирларнинг самарадорлигини ошириш учун Ўзбекистон ССР Меҳнат ва ижтимоий масалалар давлат комитетини РСФСР ва бошқа республикалардаги сингари Ўзбекистон ССР Меҳнат вазирлигига айлантириш мақсадга мувофиқ бўлур эди, деб ҳисоблайди Неъмат Аббосович. Моддий-техника таъминоти ва бошқа кўпгина масалаларда ёрдамга муҳтожмиз. Агар вазирликлар вакиллари бизга мадад бермоқчи бўлсалар, бунинг учун бизда барча ҳисоб-китоблар, белгиланган тадбирлар, таҳлил ва сабоқлар бор.

Вилоят партия қўмитасининг биринчи котиби, вилоят Кенгашининг раиси Абдухолиқ Абдураҳмонович Айдарқулов «Иш билан таъминлаш» комплекс дастури юзасидан қилинаётган ишлар ҳақида атрофлича ҳикоя қилди. Қўриқ вилоят коммунистлари, хўжалик органлари, жамоат ташкилотлари бу ишга астойдил киришганликларига оид қатор мисоллар келтирди. Лекин ресурслар масаласида республика ташкилотлари мададисиз иш битмаслигини кескин қилиб қўйди. Унинг сўзларидан вилоят аҳолисининг бугунги талаб-эҳтиёжларини тўлароқ қондириш учун астойдил ҳаракат қилинаётганлигини сездик. Бу муҳим масала вилоят партия ва совет ташкилотлари диққат марказида турибди.

Вилоятда тўпланган муаммоларни ҳал этиш юқорида номлари тилга олинган мутасадди ташкилотларга ҳам боғлиқ эканлиги аён. Шундай бўлгач, улар бу масалалар билан жойларнинг ўзига бориб, конкрет шуғулланмасалар, кўпгина муаммолар ўз ечимини топиши амримаҳол.

Кўриниб турибдики, ҳаётнинг ўзи бу ишга янгича ва ижодий ёндашишни, вилоятдаги муаммоларни кечиктирмай, изчиллик билан биргаликда оқилона ҳал этишни тақозо этяпти. Зотан, меҳнаткаш ишчи қўллар манфаатларини ижтимоий ҳимоя қилиш, уларнинг қадрига етиш, бу борада адолат, инсоф билан иш тутиш, бир сўз билан айтганда, вилоят аҳолисининг ҳамма табақалари энг ҳаётий эҳтиёжларини қондириш билан боғлиқ масалаларни ҳал қилиш шу соҳага дахлдор вазирликларнинг биринчи галдаги муҳим бурчидир!

Ҳамид **ИКРОМОВ**,
Жўра **ХОЛҚОСИМОВ**.

СССР Давлат банкидан

СССР ДАВЛАТ БАНКИНИНГ 1991 ЙИЛ НУСХАСИДАГИ ҚИЙМАТИ 50 ВА 100 СЎМЛИК БЎЛГАН ПУЛЛАРИНИ МУОМАЛАГА ЧИҚАРИШ ТЎҒРИСИДА

1991 йил 23 январда СССР Давлат банкининг 1991 йил нусхасидаги қиймати 50 ва 100 сўмлик бўлган пуллари муомалага чиқарилади.

СССР Давлат банкининг қиймати 100 ва 50 сўмлик пуллари қоғозга зарб этилган бўлиб, бир томонида юлдузчалар тасвири туширилган оқ жойида В. И. Ленин портрети (барельефи) тасвирланган, иккинчи томонида эса тор оқ жойи бор.

100, 50 сўмлик пулларнинг ўнг томонида: «СССР Давлат банкининг билети». «Банк билетлари олтин, қимматбаҳо металлар ва давлат банкининг бошқа мулки билан таъминланади» деган ёзувлар бор. Пулнинг юқори ва қуйи қисмида кўп рангли ҳошия бор.

Орқа томонида пул қиймати иттифоқдош республикалар тилларида ёзилган бўлиб, «СССР Давлат банки билетларини сохталаштириш қонун билан таъқиб этилади» деган сўзлар ва пулнинг серияси ҳарфлар билан белгиланган етти рақамли иккита бир хил тартиб рақами берилган.

СССР Давлат банкининг 100 сўмлик пулида қўнғир кўк ранг кўпроқ, пулнинг олд томонининг чапида — В. И. Лениннинг қўнғир рангда ишланган портрети (барельефи), унинг остида нақшли расм, марказий қисмида нақш билан безатилган кўк рангдаги СССР Давлат герби, «100» рақами ва «100 сўм» деган ёзув, ўнг томонда пастда қўнғир тусдаги безак орасида «100» рақами, пулнинг ўнг томонида оқ жойининг қуйи қисмида пушти рангда «1991» ва кўк тусдаги безак орасида «100» рақами жойлаштирилган.

Орқа томонида: Москва Кремлининг қўнғир тусдаги кўриниши, юқоридан чап томонда ва ўнг томонда кўк тусдаги кичик безак орасида «100» рақами ва кўк тусдаги «СССР» ҳарфлари, ўртасида эса кўк тусдаги катта безак орасида «100» рақами, қўнғир тусда «100 сўм» ёзуви ва унинг остида зангори тусда «100» рақами, чап томонининг қуйи қисмида кенг оқ жойида кўп рангли безак орасида «100» рақами бор.

СССР Давлат банкининг 50 сўмлик пулида қўнғир-яшил ранг кўпроқ. Пулнинг олд томонида: чап қисмида — В. И. Лениннинг қўнғир тусдаги протрети (барельефи), марказида қизил-қўнғир тусда нақш билан безатилган СССР Давлат герби, «50» рақами ва «эллик сўм» ёзуви, пастида иккита «50» рақами. Пулнинг ўнг томонидаги қуйи қисмида кенг оқ жойда яшил рангда «1991» рақами ҳамда қизил-қўнғир тусдаги безак орасида «50» рақами жойлашган.

Орқа томонида: нақшли график тасвир билан безатилган думалоқ доирада Москва Кремлининг кўриниши, доира устида «СССР» ҳарфлари, пастида — «50» рақами тасвирланган, доира остида «эллик сўм», пулнинг чап томонидаги оқ жойнинг қуйи қисмида кўп рангли безак орасида «50» рақами бор.

Мазкур пуллар ҳозирги вақтда муомалада бўлган пуллар билан бир қаторда давлат, кооператив, жамоат корхоналари, муассасалар, ташкилотлар, колхозлар ва айрим шахслар томонидан тўловнинг барча турларида кўрсатилган қийматида қабул қилиниши шарт, шунингдек банк муассасалари ва Алоқа вазирлиги корхоналари томонидан жорий ва ҳисоб-китоб варақаларига, омонатларга, аккредетивларга ва жўнатиш учун ҳеч қандай чеклашларсиз қабул қилиниши шарт.

МАГАЗИН ОМБОРИ ТЕКШИРИЛГАНДА...

ДХК МАХСУС ГУРУҲИ ҲАРАКАТДА

Бозор иқтисодиётига ўтиш даври қийинчиликларини бошдан кечирмоқдамиз. Айниқса, бу ҳолат озиқ-овқат айрим турлари савдода камайиб кетганида яққол кўринмоқда. Дўконларнинг пештахталарида гўшт ва гўшт маҳсулотлари, бир қатор истеъмол моллари кўринмай қолди. Ҳукумат идоралари айрим тақчил маҳсулотларни расамади билан тақсимлаш тадбирларини кўрмоқда. Чунончи, маҳсулотлар меҳнат ва ўқув жамоаларида тарқатилиши, молларни жон бошига қараб сотиш йўлга қўйилди. Бироқ баъзи савдо корхоналари молларни омборларда узоқ сақлаб, сунъий равишда етишмовчилик келтириб чиқаришаётир.

Яқинда Ўзбекистон ССР Давлат хавфсизлиги комитети махсус гуруҳи Собир Раҳимов район халқ назорати вакиллари билан биргаликда шу район озиқ-овқат савдоси идорасига қарашли 63-магазинни текширувдан ўтказди. Текширув жараёнида ерости омборида 18 минг банкадан ортиқ буғда пиширилган мол гўшти (тушенка), ҳинд қора чойи ва 95-рақамли кўк чой, ун, пахта ёғи, сигаретлар, венгерча нўхот ва бошқа маҳсулотлар сақланаётгани аниқланди. Магазиннинг Тошкент дорилфунуни ҳузуридаги филиалида эса очиқ савдода сотилиши лозим бўлган тухум, пахта ёғи беркитиб қўйилган.

Магазинда якка тартибда фаолият кўрсатувчи шахсларга патент муддати ўтиб кетган бўлишига қарамай, тўғридан-тўғри омбордан ун сотиш одатга айланган. Энг тақчил моллар (ҳинд қора чойи, кўк нўхот, қуйилтирилган сут) ортиқчасини сунъий равишда ушлаб туриш, уларни кейинчалик ортиқча баҳоларда сотишга олиб келиши мумкин. Район озиқ-овқат савдоси идорасининг ташкилий бўлим мудири С. Розиқовнинг ўтган йили магазинда якка тартибдаги меҳнат фаолияти билан шуғулланувчи новвойлар, шунингдек, маросимлар ўтказиш учун озиқ-овқат запасини сақлаш тўғрисидаги фармойиши 63-магазин директори Р. Султонов, омбор мудири Э. Алиевларга 6,2 тонна ун, 451 шиша ўсимлик ёғи, Ҳиндистонда қадоқланган чой (108 килограмм) каби молларни эркин савдога чиқармасдан сақлаш имкониятини берган. Айтиш кераки, бу моллар магазинга мунтазам келтирилмоқда. Текшириш куни дўкон ёнида тўхтатилган фуқаро М. Маметов 500 килограмм унни олиб чиқиб кетаётган эди. Назоратчилар билан суҳбатда у январь ойида биринчи марта ун сотиб олганини айтди. Бироқ магазиндаги ҳисоб-китобларга қараганда шу ойнинг бошида айни шу Маметов 1350 килограмм ун олганлиги қайд этилган. Омбор мудири Э. Алиев айрим харидорлар, жумладан М. Маметов учун ҳам ўзи имзо қўйиб юборганлигини тан олди.

Текширувда аниқланган шу ва бошқа фактлар юзасидан материаллар зарур чоралар кўриш учун тегишли идораларга тақдим этилди.

А. БОБОЕВ.

УЙСОЗЛИК КОМБИНАТИ ҚАЙТА ТУҒИЛМОҚДА

● Ҳозирча белгиланган вазифаларини бажаришни уддалолмаётган Гулистон уйсозлик комбинати жамоаси учун афтидан дориламон замонлар келаётганга ўхшайди. Бу ерда ишлаб чиқаришни тубдан янгилаш ишлари бошлаб юборилди.

Реконструкциянинг биринчи навбатида панеллар тайёрлаш линияси, арматура цехи ва уйсозликда ишлатиладиган бошқа буюмлар ишлаб чиқариладиган конвейер такомиллаштирилади. Чунончи, бу ишларнинг барчаси асосий ишлаб чиқаришни тўхтатмаган ҳолда бажарилаяпти. Бу принцип жиҳатидан янги технологияни жорий этиш, меҳнат унумдорлигини кескин ошириш, маҳсулот сифатини анча яхшилаш имконини беради. Панель тўсиқлар ишлаб чиқаришга ихтисослашган кассета цехи ҳам такомиллаштирилмоқда. Реконструкция ишларини Тошкентдан борган тажрибали монтажчилар амалга оширишмоқда.

Сирдарё вилояти.
(ЎзТАГ мухбири).

Коммунист Турдиали Қорабоев Наманган район Хонобод участка шифохонасининг моҳир шифокорларидан бири. У бир неча йилдирки, бу ерда тиш техниги бўлиб ишлаб келмоқда. Қишлоқ аҳли моҳир шифокор, ўз касбининг устаси Турдиали Қорабоев меҳнатидан мамнун бўлмоқдалар.

П. АКБАРОВ сурати.

«Совет Ўзбекистони» материаллари изидан

«Соқов телефонлар»

Рўзномамизнинг ўтган йил 13 декабрь сонида босилган юқоридаги сарлавҳали танқидий мақолада Тошкент шаҳри кўчаларидаги кўплаб телефонлар ишламаётганлиги қайд қилинган эди. Ушбу мақола юзасидан Ўзбекистон ССР Алоқа вазирлиги ТЕЛЕФОН АЛОҚА ВА РАДИОЛАШТИРИШ ТОШКЕНТ ШАҲАР ИШЛАБ ЧИҚАРИШ БИРЛАШМАСИдан расмий жавоб олинди. Унда, жумладан, шундай дейилади:

— Мақола бирлашма ходимлари томонидан атрофлича ўрганиб чиқилди. Унда шаҳар таксофонларининг ишидаги камчиликлар тўғри қайд этилган. Таксофонларнинг қониқарсиз аҳволига асосий сабаб ҳар куни шаҳарда безорилар томонидан 50—60 та аппаратнинг бузиб кетилишидир. Кўпинча безорилар трубкаларни кесиб кетишади. Рақам терувчи қисми, ойналари синдирилади, касса қутичалари ўғирланади. Бирлашмамизда уларни ўз вақтида созлаб қўйиш учун эҳтиёт қисмлар етишмайди.

1990 йилнинг май ва июнь ойларида таксофонлар ишини яхшилаш юзасидан Алоқа вазирлигида бир нечта кенгашлар ўтказилди. Шундан кейин, вазирлик қошидаги махсус конструкторлик бюроси таркибида таксофон ишлаб чиқариш бўлими ташкил этилди. Бирлашмада марказлаштирилган таксофон цехи ишга туширилди.

Ўтган йилнинг иккинчи ярмида цех томонидан бирмунча ишлар амалга оширилди. Натижада ишлаб турган таксофонларнинг умумий сони май ойидаги 3 мингтадан декабрь ойида 4100 тага етказилди. Бу ишлар махсус тузилган «таксофон» дастури асосида амалга оширилиб, шу йилда ҳам давом эттирилади. Дастурнинг бажарилиши вазирлик томонидан назорат остига олинган.

ҚОРАДОРИ ТОПИЛДИ

● Вилоят Ички ишлар бошқармаси давлат автомобиль инспекцияси бўлимининг йўл-соқчилик хизмати ходимлари Ж. Ҳайитов билан Ф. Тешаев Бухоро шаҳридаги «Марказий» постда одамларни ташиш қоидасини бузганлиги учун Фарғона вилоят автотрестига қарашли автомобилни тўхтатишди.

Юк машинасини текшириш чоғида қуёш нуридан ҳимоя қилувчи восита оралиғида қорадори топилди.

Эртасига шу бўлинма ходимлари У. Холмуродов билан Х. Хўжаев Бухоро — Когон автомобиль йўлида ғайриқонуний равишда қишлоқ хўжалик маҳсулотларини олиб кетаётганлиги учун Фарғонадан келган автомобилни тўхтатишди, бу «Дорожник» кооперативига қарашли ЗИЛ автомашинаси эди. Бу ерда ҳам ҳайдовчи Ш. Шодиевнинг кабинасидан бир неча минг сўмлик қорадори топилди.

Шу фактлар юзасидан жиноий иш қўзғатилиб, тергов олиб борилмоқда.

И. САФАРОВ,
ЎзТАГ мухбири.

ТАЛОНЧИЛИКНИНГ ОЛДИ ОЛИНДИ

● Зарафшон ички ишлар бўлими ходимлари оператив-қидирув тадбирлари натижасида небиддоғлик Валерий К. ни ушладилар.

Тинтув вақтида унинг ёнидан С-1 маркали учта граната, кичик калибрли қирқма милтиқ ва 40 тадан ортиқ ўқ, бир килограммдан кўпроқ қорадори топилди.

— Дастлабки тергов вақтида Валерий К. жамғарма банкини таламоқчи бўлганини тан олди, — дейди Зарафшон шаҳар ижроия комитети ички ишлар бўлимининг бошлиғи Г. Семенченко. — Бундан буён бўладиган тергов ишлари ва суд бу қуроллар қандай мақсадга мўлжаллангалигини муфассал аниқлаб беради.

(ЎзТАГ мухбири).

● Маданиятимиз арбоблари

"ИШДАН БЎЛАК ТАШВИШЛАРИМ"

ФАРЗАНД ҚУВОНЧИ

Зикир ака репетициядан қайтиб, уйга кириши билан невараси югуриб келиб бувасининг бўйнига осилди:

— Биласизми, буважон, битта киши келиб Забиҳулла амакимга раҳмат айтиб кетдилар. Отангизга раҳмат дедилар. У киши сизни анча кутдилар, келмадингиз-да?

— Ишда эдим-да, она қизим.

— Яна суюнчини олибди-да, буважонисидан, — уйдан Машҳура опа кулиб чиқиб келди.

— Нима гап, момоси?

— Забиҳулла айтувди-ку, ноҳақ айбланган бир йигитнинг ишини кўряпман, деб. Шу йигитнинг отаси келган экан, миннатдорчилик билдириб кетди.

— Шартмикан, ахир ҳақни-ҳаққа, ноҳақни ноҳаққа чиқариш ҳуқуқшуноснинг вазифаси-ку.

— Хурсанд бўлганидан ўзини босолмаган-да бечора. Забиҳуллани ишхонасида учратолмабди.

— Ҳа, майли, болалар яхши ишлашса бўлди-да.

Зикир ака айвонда, караватда ёнбошлаб Машҳура опа дамлаган чойни ичиб ўтираркан, театрда қарийб уч соат давом этган репетиция чарчоғини тамоман унутганди.

Дунёда фарзанд келтирадиган қувончдан ҳам ортиқ қувонч борми?! Зикир ака ўғилларининг бешаласи ҳам олий маълумотли. Носир — врач, медицина фанлари доктори, Омон — ҳуқуқшунослик фанлари номзоди. Иккаласи ҳам диссертацияларини Москвада ҳимоя қилишган. Ҳабибулла тарихчи, илмий ходим. Забиҳулла билан Абдулла ҳуқуқшунос бўлиб ишлаяпти. Ота-она фарзандлари ҳақида шу вақтгача илиқ, яхши гаплар эшитса эшитдики, ёмон гаплар эшитмади. Бу, энг аввало, оиладаги тарбия туфайлидир.

Ота ишим кўп демасдан фарзандларининг ўқиши, юриш-туриши, ҳатто қобилияти билан қизиқди. Носиржон ўрта мактабни битириб, тиббиёт институтига киришни ихтиёр этганида, ҳеч иккиланмай оқ йўл тилади. Чунки, унга, унинг билимига ишонарди. Мактабни ўртамиёна тугатган Ҳабибуллага эса аввал икки йил армия сафида хизмат қилиб келасан, кейин ўқишга кирасан, деди. Собиқ солдат Ватан хизматидан қайтаркан, отаси кутганидек анча дадил, тиришқоқ кўринарди. Рус тилини яхши биларди. Дорилфунунга ўқишга кирди. Забиҳулла ҳам «мен олдин ҳарбий хизматни ўтаб келай», деганида, Зикир ака хурсанд бўлди. Ҳозир унинг қўш дипломи бор. Омон билан Абдулла ҳам мактабни аъло баҳолар билан тугатиб, ўзлари истаган институтга ҳужжат топширишди. Зикир ака фарзандларининг биронтасига менинг касбимни танла ёки танламадинг демаган.

Зикир аканинг хаёлини яна невараси бўлди:

— Буважон, радиони қўйинг, амакимлар гапиряптилар.

Радио қулоқлари буралганида унда профессор Носир Муҳаммаджонов «Саломатлик ҳақида суҳбат» ўтказмоқда эди...

ШОГИРД ПАРВОЗИ

Муҳаммаджонов гримхонада «Театр» журналининг янги сонини варақлаб ўтирар эди. Эшик секин тақиллаб, мумкинми, деб ҳузурига актёр Муҳаммадали Абдуқундузов кириб келди.

— Маслаҳатингиз керак бўлиб қолди, устоз, — деди у.

— Қўлимдан келса, бажонидил.

— Мақсуд Юнусов Пиримқул аканинг романи асосида «Бобур» видеофильмини экранлаштирмоқчи эканлигидан хабарингиз бор. Мени ўша асардаги бош ролга таклиф қиляпти. Шунга нима дейсиз?

Зикир ака ўйланиб ўтирмади.

— Аввало таклиф билан чин юракдан табриклайман, Муҳаммадали, — деди у. — Сиз уни бемалол қабул қилаверинг. Эплай олասизмас, чиройли ўйнай оласиз. Биласиз, Мақсуд Юнусов ниҳоятда тажрибали, билимдон режиссёр. Театрда Баҳодир Йўлдошев биринчи бўлса, «Ойнаи жаҳон» санъатида Мақсуд Юнусов худди шундай. У актёр танлашни пухта билади. Бу ишда адашмайди. Қолаверса, бош, масъулиятли роллар ҳар кимга ҳам тавсия қилинавермайди. Шу боис хўп деяверинг. Иккинчидан, сизлар ҳозир худди шундай йирик ролларни ўйнайдиган ёшдасизлар. Учинчидан, халқимиз сизнинг авлодингиздан Навоий, Муқимий, Беруний, Отелло, Ҳамлет, Эдиплар қаторида Бобурнинг ҳам янгича талқинини кутмоқда. Бу ишни сиз, Эркин, Ҳожиакбар, Теша, Саидкомиллар бажармаса, ким бажаради? Абдулла Қодирий ролини яхши ўйнаяпсиз. Шунинг учун, такрор айтаман, ҳеч иккиланмасдан, қўрқмасдан ролга розилик бераверинг. Бобур қандай бўлиши керак, — десангиз унга билганимча батафсил жавоб бераман. Лекин бу бошқа пайтда бўладиган гап.

— Видеофильмда бирга иштирок этсак яхши бўларди-да.

— Лозим кўришса, тайёрмиз.

Устознинг далдаси шогирдни яна ҳам руҳлантириб юборди...

Етмишинчи йилларнинг иккинчи ярмида Тошкент театр ва рассомлик (ҳозирги Санъат) институтини битирган ўн нафар ёшга Сурхондарё вилоят театрига йўлланма берилди. Ана шу ёшлар орасида Олим Хўжаев ва Зикир Муҳаммаджонов эътиборини ўзига тортган Муҳаммадали Абдуқундузов ҳам бор эди. Устоз санъаткорлар уни вақти келиб Ҳамза театрига таклиф этишни мўлжаллаб қўйдилар. Олим Хўжаев кутилмаганда оламдан ўтиб кетди. Лекин Зикир ака Муҳаммадалини назардан қочирмади. Унинг ролларини, изланишларини мунтазам кузатиб борди. Шогирди В. И. Ленин роли (М. Шатровнинг «Қизил яйловдаги кўк тулпорлар» спектаклида)ни ижро этганида Термизга махсус бориб табриклади. Олти кўринишдан иборат спектаклда устоз ва шогирд галма-галдан (уч марта) ўйнади. Зикир ака ўз Лениннномаси тажрибаларини улашиб, Муҳаммадалининг ролини янаям кучайтирди.

Кейинги борганида устоз шогирдини Тошкентга таклиф қилди. Шунда Муҳаммадали узр сўради:

— Яқинда унвон беришди. Кетсам ноқулай бўлади. Ҳеч бўлмаса яна икки йил ишлаб берай.

Зикир ака бундан ранжимади, аксинча хурсанд бўлди.

Икки йилдан сўнг Муҳаммадали Абдуқундузов Тошкентга, Ҳамза театрига ишга ўтди. Устози уни ўша вақтда театр бош режиссёри бўлиб ишлаётган Ўзбекистон ССР халқ артисти Латиф Файзиевга таништирди. Кўп ўтмай режиссёр ёш актёрга ўзининг ташаббуси билан саҳналаштирилаётган «Абдулла Қодирийнинг ўтган кунлари» драмасидаги бош ролни ишониб топширди. Ана шу ижро, яъни Муҳаммадали Абдуқундузов ўйнаган Абдулла Қодирий ролининг муваффақияти, айниқса Мақсуд Юнусовни мафтун этган бўлса ажабмас!

«Бобур» видеофильмида Зикир ака Хондамир ролини ижро этди. Бобур билан Хондамирнинг учрашуви саҳналари қисқа муддатларда суратга олиниб, ниҳоятда жонли ва табиий чиқди. Устоз ва шогирднинг саҳна ортидаги учрашувлари бош қаҳрамон иштирокидаги бошқа кўринишлар ҳам жозибали чиқишига ҳеч шубҳасиз ёрдам берди.

Ўн серияли видеофильм республика телевидениесида намойиш қилиниб бўлган куннинг эртасига эрталаб Зикир ака одатдагидай трамвайда ишга жўнади. Театрга кириши билан иккинчи қаватга кўтарилиб, Муҳаммадалини табриклашни кўнглига тугиб қўйди.

Хадра бекатига келиб тушаркан, у ерда шогирди кутиб турганини кўрди.

— Ассалому алайкум,—у югуриб келиб Зикир акани қучоқлади. — Табриклайман, устоз! Даъватингиз ва ёрдамингиз учун минг раҳмат.

Йўловчилар уларга ҳавас билан боқиб туришарди...

«УСТОЗНОМА» ҚАЧОН БОСИЛАДИ?

— Ролдан бўлак ташвишларингиз бўлса, ўртоқлашсангиз, дедингиз. Биласизми, ролдан бўлак ташвишларим ҳам кўп. Эсингизда бўлса керак, Тошкент телевидениесида талантли режиссёр Ғайрат Убайдуллаев раҳбарлигида «Ер фарзанди» видеоспектакли яратилган эди. Андижонлик матонатли замондошимиз, ажойиб инсон Исомиддин Арабов ҳақида ҳикоя қилган бу асарда бош қаҳрамон ролини ижро этганман. Ана шу спектаклни қайта кўрсатишни сўраб жуда кўп томошабинлар хат ёзишди. Яқинда Тошкент областида бўлган бир учрашувда ҳам шундай таклиф билан мурожаат қилишди. Илтимосларни Ғайратжонга айтгандим, совуқ хабар эшитдим. Ишонасизми, плёнка камчиллигидан, яна видеоспектаклдаги райисполком раиси прототипининг «такрор кўрсатсаларинг устиларингдан шикоят қиламан», деганидан қўрққанидан шундай бус-бутун асарни ўчириб юборишибди. Ҳам куласан, ҳам куясан.

— Шоир айтгандек, кимни қадрлашни, нимани асрашни билмаймиз-да.

— Худди шундай эътиборсизлик туфайли миллий профессионал театр саҳнасига биринчи бўлиб шарқона, ўзбекона ҳажвни, кулгини олиб чиққан Ҳожисиддиқ Исломовнинг таваллуд йили тўрт жойда тўрт хил ёзилиб келинган. Буни санъатшунослар ўрганишса бўлмайдими? Арзимайдими?

— Аниқ бўлдими, ишқилиб?

—Ҳа, таржимаи ҳолига оид ҳеч қандай ҳужжат сақланиб қолмаган бўлса-да, Ҳожи акани билган, таниган, у киши билан маҳалладош бўлган кексаларни қидириб топдим. Ўзимизнинг оқсоқолимиз Саъдихон ака Табибуллаевдан сўрадим. Исломов 1891 йилда туғилган, деган қатъий қарорга келдик. Маданият вазиримиз билан гаплашдим. Насиб бўлса бу йил устоднинг юбилейини ўтказамиз. Ҳозир машҳур санъаткорнинг ҳаёти ва ижодини яхшилаб ўрганяпман. Юбилей кунларида эълон қилиш учун мақола ёзаман.

— Зикир ака, устозларингиз Маннон Уйғур, Обид Жалилов, Аброр Ҳидоятов, Мария Кузнецова, Шукур Бурхонов ва бошқалар тўғрисида жуда кўп мақолалар ёздингиз, газета-журналларда эълон қилдингиз. Шуларни тўплаб, нашриётга топширсангиз бўлмайдими?

—Ука, ярамни янгилаб қўйдингиз. Биласизми, бу ишга мен ўн беш йил бурун киришгандим. Ўшанда Ғ. Ғулом номидаги Адабиёт ва санъат нашриётининг бош муҳаррири «Албатта босамиз, албатта, 60 йиллигингизга совға этамиз», деб хурсанд қилди. Китоб туриб қолди. Кейин биронта профессионал театршунос билан бирга кўриб чиқсангиз, иложи бўлса ҳамкорликда ёзсангиз, деб маслаҳат беришди. Олимлар бошқа форма-услубда, масалан, савол-жавоб тариқасида бўлса яхши бўларди, деган фикрни айтишди.

Бу борада нашриёт раҳбарлари яна ўзгарди. «Шунос»лар айтганидек ёзиб олиб борсам, нашриёт санъат бўлими мудири Алла Еремеева бу китобни таржимон орқали ўқимоқчи бўлди. Ҳафа бўлиб, тўпламни уйга келиб варақлаб кўрсам, биринчи вариантидан фактдан бошқа деярли ҳеч нарса қолмабди. Илк нусхада қандай бўлса, шундай бўлади, деб қатъий қарор қилдим. Босишмаса-босишмас. Барибир авлодларга, шогирдларга қолади-ку. Қўлёзма ҳолида ҳам ўқиш мумкин-ку.

Ажойиб инсон ва атоқли артистнинг кўнглини кўтардиму, ўйланиб қолдим. Санъаткорларимиз орасида ўз қўли билан мақола, китоб ёзадиганлар жуда оз. Шундай экан, нашриёт Зикир акани қучоқ очиб кутиб олмайдими? Иккинчидан, жонкуяр маданият арбобимиз ёзмаганида ҳам театршуносларни ишга солиб, ёрдамга чақириб, у кишининг китобини чиқаришни уюштириш санъат нашриётининг вазифасига кирмайдими? Ёшларни тарбиялашда, миллий маданиятимизни тарғиб этишда Зикир акадек тирик қомус санъаткорлардан фойдаланишни наҳотки нашриёт ўйламаса, истамаса? Учинчидан, миллий санъатимиз билан шуғулланадиган нашриёт бўлимини ўзбек тилида гапирувчилар эплай олмайдими?

Агар шундай китоб бошқа ерда, масалан, Москва ёки Ленинградда нашриёт папкасига келиб тушсин, шу заҳоти ҳатто вергулини ҳам ўзгартирмай, айтиш мумкинки, кўзларига суртиб босиб чиқаришади. Бу-ку буюклар тўғрисида сўз юритувчи мақола ва хотира-очерклар, у ерларда ҳатто атоқли санъаткорларнинг ёзишмаларини, мактубларини чоп этишяпти. Шундай экан, магазин пештахталарида йиллаб чанг босиб ётиши мумкин бўлган «семиз китоб»ларни қисқартириш ҳисобига маданият арбоблари хотиралари ва эсселарини босиб чиқаришни йўлга қўйса бўлмайдими?!

Ҳолбуки, санъатимиз тараққиётини ўзида акс эттирадиган бундай китобларга эҳтиёж катта. Устозлар ҳаёти ва ижоди ҳамиша шогирдлар учун ҳам, мухлислар учун ҳам ўзига хос мактаб вазифасини ўташи шубҳасиздир.

Юсуф БЕРДИЕВ.

СУРАТЛАРДА: (юқорида) СССР халқ артисти, СССР Давлат мукофоти лауреати Зикир Муҳаммаджонов В. И. Ленин («Йўлчи юлдуз» спектаклида), Беруний («Беруний»), Фурқат («Фурқат»), (пастда) Ориф («Имон»), Бойтемир («Сарвиқомат дилбарим»), Абдулатиф («Мирзо Улуғбек») ролларида.

ЭЪЛОН ВА БИЛДИРУВЛАР

СССР Ички ишлар вазирлигининг
ТОШКЕНТ ОЛИЙ МАКТАБИ
1991--92 ўқув йили учун

ТИНГЛОВЧИЛАР ҚАБУЛ ҚИЛАДИ

Мактаб ички ишлар органлари учун олий ҳуқуқшунослик маълумотига эга бўлган раҳбар ходимларни тайёрлайди.

Ўқиш муддати — 5 йил.

30 ёшгача бўлган мажбурий ҳарбий хизматни ўтаб қайтган, ўрта маълумотли фуқаролар қабул қилинади.

Кирувчилар СССР тарихидан оғзаки, рус тили ва адабиётидан ёзма (иншо) ва жамиятшуносликдан оғзаки кириш имтиҳонларини топширадилар.

Миллий ўрта мактабларни битирган шахслар кириш имтиҳонларини ўзбек тилида топширишлари ва шу тилда ўқишлари мумкин.

Мактабни битирганларга умумиттифоқ намунасидаги олий ҳуқуқшунослик маълумоти тўғрисидаги диплом берилади ва уларга «милиция лейтенанти» махсус унвони берилади.

Маълумотлар олиш учун яшаш жойингиздаги ички ишлар бошқармасининг кадрлар бўлимига мурожаат қилиш мумкин.

Ўзбекистон ССР Давлат қурилиш қўмитаси
ТАРМОҚЛАРАРО ҚУРИЛИШ КОМПЛЕКСИ РАҲБАР ХОДИМЛАРИ ВА МУТАХАССИСЛАРИНИ ҚАЙТА ТАЙЁРЛАШ ВА УЛАРНИНГ МАЛАКАСИНИ ОШИРИШ ИЛМГОҲИ
(МИППКРКС)

ТАНЛОВ ЭЪЛОН ҚИЛАДИ

кафедралар бўйича:

мудир: халқ хўжалиги комплексларини бошқариш (фан номзоди, доцент);

профессор: халқ хўжалиги комплексларини бошқариш (0,5 — фан номзоди, доцент).

БЎШ ЛАВОЗИМЛАРГА:

профессорлар: қурилиш ва саноатни режалаштириш иқтисоди (0,5 ўриндан иккита — фан номзоди);

доцент: халқ хўжалиги комплексларини бошқариш.

Танлов муддати — эълон чиққан кундан бошлаб бир ой.

Манзилимиз: Тошкент шаҳри, Абай кўчаси 6-уй. Телефон: 44-16-80.

ТАШКИЛОТЛАР, ҚОРХОНАЛАР, ШИРКАТЛАР ВА ИШБИЛАРМОН, ТАДБИРКОР КИШИЛАР ДИҚҚАТИГА!

«ЎЗКИТОБ» КИТОБ САВДОСИ БИРЛАШМАСИ

«ҚАПИТАЛИСТИК МАМЛАКАТЛАР БИЛАН ТУЗИЛАДИГАН НАМУНАВИЙ ШАРТНОМАЛАР ТЎПЛАМИ» (баҳоси — 100 сўм)ни

ТАВСИЯ ЭТАДИ

Ташқи иқтисодий фаолият билан шуғулланмоқчи бўлган ҳамма мазкур тўпламдан муфассал маълумотларни билиб олишлари мумкин:

ЧЕТ ЭЛГА ЧИҚАРИШ БЎЙИЧА: туркум машиналари ва ускуналарини чет элга чиқаришга оид шартнома, майший машиналар ва асбобларни чет элга чиқаришга оид битим, техникавий ёрдам кўрсатиш учун мутахассисларни хизмат сафарига юбориш тўғрисидаги шартнома, техникавий кўмак беришга оид шартнома, хом ашё маҳсулотларини чет элга чиқаришга оид шартнома, озиқ-овқат маҳсулотларини чет элга чиқаришга оид шартнома, қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқариши маҳсулотларини (денгиз орқали) чет элга чиқаришга оид шартнома, консигнациялар шартномаси; воситачилик хизматларини (чет элга) кўрсатиш тўғрисидаги шартнома, савдо бўйича агент билан тузилган битим, якка ҳоким агент билан тузилган битим;

ЧЕТ ЭЛДАН ОЛИШ БЎЙИЧА: автомат линиялар, йирик технологик ускуналарни чет элдан олиш тўғрисидаги шартнома; туркум машиналари, кичик ва катта ўрта қурилмалар, дастгоҳларни чет элдан олишга оид шартнома; оталиқ-монтаж ишларини бажариш шартлари ва тартиби (шартномага илова), озиқ-овқат маҳсулотларини чет элдан олишга оид шартнома, воситачилик хизматлари (чет элдан) кўрсатилиши тўғрисидаги шартнома, харид қилиш бўйича агент билан тузилган битим;

БАРТЕР БЎЙИЧА: бартер шартномаси (саноат буюмлари деталларининг хом ашё комплекти);

РУХСАТНОМА: (лицензия бўйича): умумий намунадаги рухсатномага оид шартнома бериш тўғрисидаги битим, «ноу-хау» (у ёки бу маҳсулотни тайёрлаш, ишлаб чиқариш жараёнини қайта тиклаш ва ҳоказолар учун зарур бўлган техникавий билимлар ва ишлаб чиқариш тажрибасининг умумий комплекси)ни бериш тўғрисидаги рухсатномага оид шартнома, мол нишонларидан фойдаланишга оид рухсатномавий шартнома.

Ушбу тўпламни харид қилмоқчи бўлганлар ўзларининг манзилгоҳлари ва банк маълумотлари кўрсатилган ҳолда қуйидаги манзилда жойлашган «Ўзкитоб» бирлашмасига талабнома юборишлари лозим: Тошкент шаҳри — 129, Навоий кўчаси, 30-уй. Бошқа шаҳарликларга бу тўплам кўрсатилган ҳақини тўлаб олиш шарти билан жўнатилади.

СПОРТ

ФУТБОЛ:

МАЛАЙЗИЯ САФАРИ

● Мавсумга пухта ҳозирлик кўраётган «Пахтакор» футболчилари Малайзияга йўл олишди. Футболчиларимиз у ерда ўртоқлик учрашувларида иштирок этиб, машқларга зўр беришни мўлжаллашмоқда. Малайзия об-ҳавоси футболчилар учун айниқса қўл келиши кутилмоқда. Сафарга 16 киши жўнаб кетди. Уларга Ўзбекистон жумҳурият физкультура ва спорт комитети раисининг биринчи муовини Н. Жалолов бошчилик қилмоқда. Жўнаб кетганлар орасида футболчилар устози Ф. Новиков, команда бошлиғи И. Фозилов ҳамда ўйинчилардан Шквирин, Муҳадов, Денисов, Огонесян, Клочков, Бунтов, Пятницкий, Галиев, Перескоков, Шарипов, Землин, Бураков, Хасанов, Муҳамедов, Гуленков, Турсуновлар бор.

ҚИШ ЗИЙНАТИ

Ўлкамизда қиш. Оппоқ қор момиқ кўрпа янглиғ ястанган. Бўғотлардаги сумалаклар чак-чак эрийди. Изғирин этни жунжитса-да, қиш қуёши мўралайди. Яхмалак отиб, чанада учаётган болакайларнинг юзида олам-олам севинч. Анордай қизарган юзларини совуқ «чимдиб» олса-да, бирпас ўйиндан тўхтамайдилар.

Қор қўнган дарахт навдаларидаги митти куртаклар ҳам ширин уйқуда. Аммо улар сиртидаги нуқрадай томчиларга термулар экансан, сойлар шарқираган, қушлар наво қилган кўклам яқинлигини дилдан ҳис қиласан. Шоир жўшиб ёзганидек:

Бир ўлкаки, тупроғида, олтин
гуллайди,
Бир ўлкаки, қишларида
шивирлар баҳор.

З. ҲАЙДАРОВ олган сурат-лавҳалар.

●

Театр

А. НАВОИЙ НОМИДАГИ ЎЗБЕК ДАВЛАТ АКАДЕМИК КАТТА ТЕАТРИДА — 25/I да **Дон Кихот**, 26/I да **Отелло**, 27/I да **Коппелия** (12.00). **Оққуш кўли** (19.00).

ҲАМЗА НОМИДАГИ ЎЗБЕК ДАВЛАТ АКАДЕМИК ДРАМА ТЕАТРИДА — 25, 26/I да **Хотинлар «гап»идан чиққан ҳангома**, 27/I да **Мирзо Улуғбек**.

МУҚИМИЙ НОМИДАГИ ЎЗБЕК ДАВЛАТ МУСИҚАЛИ ТЕАТРИДА — 25/I да **Нурхон**, 26/I да **Анқовлар чайқови**, 27/I да **Дардимни айтаман, қудасизми?**

А. ҲИДОЯТОВ НОМЛИ ЎЗБЕК ДАВЛАТ ДРАМА ТЕАТРИДА — 25/I да **Гўзаллар ва миршаблар**, 26/I да **Фармонбиби аразлади**. 27/I да **Кулги ва қўшиқ кечаси**.

Тошкент халқ хўжалиги олий билимгоҳи ректорати, партия, касаба уюшмаси ташкилотлари ва «Социализм назарияси» кафедраси жамоаси доцент
Муродилла Мавлонович
АВАЛОВнинг
вафот этганлигини чуқур қайғу билан билдириб, марҳумнинг оила аъзоларига таъзия изҳор қилади.

Ўзбекистон театр арбоблари уюшмаси бошқаруви уюшма аъзоси Ўзбекистон ССРда хизмат кўрсатган артист
Учқун Ҳаётович
НАИМОВнинг
вафот этганлигини чуқур қайғу билан билдириб, марҳумнинг оила аъзоларига таъзия изҳор қилади.

Ўзбекистон ССЖ қурилиш вазирлигига қарашли «Ўзтрансспецстрой» ҳудудий ишлаб чиқариш бирлашмасининг бошланғич фирқа қўмитаси ва касаба уюшмаси жамоалари бирлашма бошлиғи О. Ариповга укаси
Анваржон
КАЛАНОВнинг
вафот этганлиги муносабати билан чуқур таъзия изҳор қилади.

Бош муҳаррир Р. РАҲМОНОВ.
Рўзнома таҳрир ҳайъати: Ҳ. ИКРОМОВ, Н. М. МАЖИДОВ С. МУҲАММАДЖОНОВ, М. Қ. МУҲСИМОВ (бош муҳаррир ўринбосари), Т. Н. НАЖМИДДИНОВ (бош муҳаррир ўринбосари), В. Т. ОДИЛОВ, М. Қ. ПИРМАТОВ, Р. Қ. ТУРСУНОВ, Ш. О. УБАЙДУЛЛАЕВ, А. С. УСМОНОВ, М. ХАЙРУЛЛАЕВ, Ж. ХОЛҚОСИМОВ, Э. С. ХЎЖАЕВ (масъул котиб), М. ШЕРБУТАЕВ, О. ҲИКМАТОВ.



БИЗНИНГ МАНЗИЛГОҲИМИЗ: 700083, Тошкент, Ленинград кўчаси, 32.

БЎЛИМЛАР: муштарийлар фикрини ўрганиш ва хатлар — 33-21-43, 33-54-55, 32-53-16, 32-53-21, 33-11-49, 32-54-06; қайта қуриш ва ижтимоий адолат — 32-55-70, партия турмуши — 33-34-69, 33-38-55, 32-53-97, 32-57-19, саноат, қурилиш ва транспорт — 33-47-80, 33-81-48, 32-53-14, 32-54-09; қишлоқ хўжалиги — 33-76-04, 33-07-20, 32-53-15, 32-53-70; совет қурилиши — 33-15-29, 32-57-20, 32-54-18; фан, маданият ва халқ таълими — 33-44-51, 32-57-21; адабиёт ва санъат — 33-20-36, 33-12-56, 32-54-35, 32-55-16; ахборот ва спорт — 33-14-24, 32-55-17; ахлоқ-одоб — 32-54-29; фельетонлар — 32-54-27; безатиш — 32-57-22.
УЗ МУХБИРЛАРИМИЗ: Бухорода — 3-96-12, Гулистонда — 2-63-48, Жиззахда — 3-31-86, Қаршида — 3-25-79, Наманганда — 6-54-11, Самарқандда — 35-22-90, Тошкентда — 32-53-20, Урганчда — 6-80-04, Фарғонада — 6-90-09.

«СОВЕТ ЎЗБЕКИСТОНИ»
(«Советский Узбекистан»)
Орган ЦК Компартии
Узбекистана

Нашр кўрсаткичи 64583.
Буюртма № 4720.

№ 18. ● Ўзбекистон Компартияси Марказий Қўмитаси нашриётининг Меҳнат Қизил Байроқ орденли босмахонаси, 700083, Тошкент, Ленинград кўчаси, 32. Рўзнома офсет усулида. А—2 форматида босилади. ● 1 2 3 4 5 6 7 8 9 10 11 12